

1991 йил 1 сентябрдан
чиқа бошлаган

Қўш умрнинг



БАҲРУ БАЙТИ

«Олтин тўй» - биргаликда ҳаёт кечиришнинг 50 йиллигини ўтказиш ҳаммага ҳам nasib қилавермайди. Кимлар етади бу кунларга, кимлар йўқ... Бу шодиёнинг шукри, шукухи шунинг учун ҳам ўзгача, дейишди. Гарчи бу оилавий байрам ҳисобланса-да, Наби ака билан Ойдинхон опаларнинг «Олтин тўй»лари ҳақидаги хушxabар қариндошлар, қуда-андалар, шогирдлар, дўст ва биродарлар ўртасида тез тарқалиб, эшитган, билганлар кўнглида ажиб бир ҳавас уйғотди. Чин дилдан: «Бизни ҳам шу кунларга етказсин!» дегувчилар кўп бўлди. Чунки Республикаимиз неврология соҳасида ўз мактабини яратган машҳур олим, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг академиги, Нью-Йорк Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, профессор Наби Мажидович Мажидов ҳамда кўп йиллар Республика врачлар малакасини ошириш интитутининг болалар неврология кафедрасида хизмат қилган таниқли оlima, медицина фанлари номзоди, доцент Ойдинхон Турсуновна Мажидовани юртимизда жуда яхши танишади ва ихлос қилишади. Ушбу табаррук, элда эъзоли оилада Ёқутхон, Гўзалхон, Дилбархон, Ойнисахон, Раънохон исми беш қиз туғилиб вояга етди. Оила бу табаррук санини нишонлаётганида биз Наби ака ва Ойдин опаларнинг тўнғич қизлари, медицина фанлари доктори, профессор, Евро-Осиё тиббиёт академиясининг мухбир аъзоси Ёқутхон Набиевна Мажидова билан суҳбатлашдик.

- «Одам бахтининг, оила бахтининг ибтидоси ҳам, интихоси ҳам оила аъзоларининг бир-бирига ҳурмати, иззати, муҳаббатидир. Бир-бирига муҳаббатли бўлган ота-оналардан фариштали болалар туғилади...» - дердилар Абдумажид бувам раҳматли. Бувам доим кўпчиликка адажон билан ойижонни ўрناق қилиб кўрсатар, «Булар қўш умрнинг гўзал баҳру байти», дердилар.

Ота-онамизга ҳавасимиз доим ўзгача эди. Ўзимизда улардаги фазилатларни топишни истардик. Ухшаш томонларни кўрсак, биздан ўтадиган бахтлиси бўлмасди. Хатто болаликдаги ўйинларимизда ҳам ойижон каби доктор бўлиб тиббиёт самолётида узоқ вилоятларга бориб, бемор болаларни «даволар», адажон каби катталарни «кўрардик».

Адамлар ва ойимлар бағриларига қелиб, бирпас галлашсак, хаёлларимизнинг чуваб кетган тизгини жой-жойига тушгандек, қилар ишимиз ойдинлашгандек бўлади. Ўйлаш, мулоҳаза, ақл-инсоннинг энг улғу



неъматини англаймиз. Кўз олдимга болалагимиз келади. Биз ҳам шўх бўлганмиз. Аммо адажоннинг ҳам, ойижоннинг ҳам овоз кўтаришганини, бурчакка тургазиб, жазолашганини билмаймиз. Энг «огир» жазолари: «Қани, ўтириб, бир яхшилаб ўйлаб ол-чи, яхши иш қилдингмикин?» бўларди. Ана шу ўтириб ўйлашда ҳамма ишимизни ҳаёлан тарозунинг «яхши» ва «ёмон» паллаларига қўйиб чиқардик. Чиқарган ҳулосамизни адажонга ёки ойижонга айтардик. Ана шу ўзини қўлга олиб ўйлаш, тўри йўл тутяпманми, деб бир яқунга қелиб олиш кейинчалик турмушда ҳам, айниқса

ишда жуда асқотди. Мулоҳаза, ирода, мақсадлик, сабот, янгиллик интилиш, қийинчиликлар олдида кўрмаслик, ўзгалар меҳнати - илмини қадрлаш, ишониш, ўрганиш каби фазилатлар ҳаммамизга адажондан юққан. Фидоийлик, кўнглини кўтариш, борини бошқалардан аямаслик, жигаржонлик - ойимиздан ўтган. Булар бир учқун, холос. Уларнинг илмий кашфиётлари, яратган мактаблари, Ўзбекистон табобат илми, равнақига қўшган ҳиссалари ҳақида кўп монографиялар, рисоалар, хатто «Жон» номли бадиий роман, пьеса ҳам ёзилган. Мен эса уларнинг турмушдаги айрим томонлари ҳақида мухтасар сўз юртайман, холос.

Бир вақтлар мактаб кутубхонасидан буюк ёзувчи Лев Толстойнинг қизи - Татьяна Сухоцинанинг «Отам бағрида» деб аталувчи кундалигини ўқиб, улғу ёзувчининг болаларига алоҳида меҳр ва ардоғига ҳавасим келганди. Бизнинг адамиз ҳам қизларининг тарбияси, қизиқиши, илмий йўналишлари ҳақида қизиқадилар. Ойимларнинг биз ҳақимиздаги сўзлари билан кифояланиб қолмасдан, ҳар биримиз билан узоқ-узоқ суҳбатлашадилар. Адажон кабинетларида, катта меҳмонхонамизда ўтган кизгин бахслар менинг ҳам, сингилларимнинг ҳам йўлини равон қилган. Каттами-кичкими ҳар биримизнинг ёган мақоламиз, қўланма ва талабаларга тайёрлаган кўрсатмаларимиз ҳаммиша биринчи навбатда адамлар ва ойимлар кўригидан ўтишига одатланиб қолганмиз. Ҳаётда, илмда эришган ҳар бир ютуғимизга улар биздан ортқ севинишади. Мана энди беш қизларининг иккиси фан доктори, иккиси фан номзоди. Ҳаммиши бир сулола бўлиб, улар ишимиз давом эттираёпмиз, равнақ олдираяпмиз. Шогирд ва фарзандлар гўзал баҳру байтинг узилишига йўл қўйишмайди.

ШУКРИЯ

Маҳбуба Юсупова ўрта мактабни битираркан, қай касбни танласам экан, деб узоқ ўйланиб ўтирмади. У газета мутолаа қилишни хуш кўрарди. Одамлар қувончу ташвишларини дилдан туйар, ён-веригади воқеа-ҳодисаларга бефарқ-лоқайд қараб туролмас, қаламқоғоз олиб ёзишга унаб кетарди. Шу сабабдан ҳам у мактаб давридаёқ туман «Янгийўл» газетаси ижодий жамоаси назарига тушганди, уни дарҳол му-



САДОҚАТГА ЙЎҒРИЛГАН ҲАЁТ

сахҳчиликка қабул қилишди.

Дастлабки кунлардан бошлаб ишга чин дилдан меҳр қўйиши, ҳаракатчанлиги, ижодий изланувчанлиги, атрофдагилар билан самимий муносабати туфайли жамоа эътиборига сазовор бўлди. Кўп ўтмай, хатлар ва оммавий ишлар бўлими мудирилик меҳрини қозонди. Газета саҳифаларидан унинг кескин, долзарб мавзудаги мақолалари ўрин ола бошлади. Ўқиш-изланиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар туфайли у Тошкент Давлат Университетининг журналистика факултети талабаси бўлди. Ўқишни битиргач эса, яна қадрдон газетаси бағрига қайтиб келди.

Маҳбуба Юсупова ўзини ҳақиқий матбуот жонкуяри сифатида намойён қилди. Унинг хатлар ва қишлоқ мухбирлари билан ишлаб олиш салоҳияти, ташкилотчилиги, тахририят тадбирларини уюштириш ва қатнашишдаги фаоллиги яққол кўзга ташланди. Тахририят қозонида қайнаб, қалами ўтқир журналиста айланди.

У 1980 йили газетанинг масъул котиби этиб тайинланди. Мана 27 йилдирки, шу лавозимда ишлаб келаётди. Утган давр мобайнида Маҳбуба Юсупова неча ўнлаб қалам соҳибларига устозлик қилди. Уларнинг ижодий маҳоратлари ошишига йўл очиб берди, ғамхўрлик кўрсатди. Бугунги кунда матбуот нашрларида ишлаётган кўнлаб қалам соҳиблари Маҳбуба Юсуповани устоз деб билишади. Босиш илк ижодий сабоқларни ундан олишган.

Маҳбуба Юсупова замондошларимизнинг ютуқлари, интилишларини қаламга олиш билан бирга ҳаётимизда рўй бераётган нуқсон ва камчиликларга ҳам бефарқ қарай олмайди. Истеъдодли қалам соҳибни кўпнинг оғзига тушган қатор туркум мақолалари билан эътибор қозонган.

Мустақиллик йилларида унинг қалами янада чархланди. Ўзбекистон мустақиллигининг 15 йиллигига бағишлаб сўлим Ниёзбош қишлоғи тарихига оид

«Ниёзбош истиқбол сари» маърифий-ҳужжатли рисоласини болалар шоири Абдурахмон Акбар ҳаммуаллифлигида яратди. Унда Ниёзбош қишлоғи, унинг меҳнатсевар инсонлари ҳақида сўз юритилади. «Шўхрат» медали соҳибаси Маҳбуба Юсупова тахририят қасаба уюшмасининг раиси сифатида ҳам фаолият кўрсатиб келмоқда. У жамоада чинакам инсоний фазилатлари билан ҳурматга сазовор. Ўзи ва ходимларига нисбатан талабчан бўлиш билан бирга, эътиборли ва ғамхўр.

Ҳаётимизда мухбирлик меҳнати заҳмату машаққати билан, шахтёр меҳнатига тенг келадиган ҳақиқат мавжуд. Маҳбуба

Юсупова эса аёл боши билан 42 йилдан буюн бир даргоҳда тиним билмай мухбирлик касб-корини улғулаб келмоқда. Шу билан бирга у меҳр-муҳаббат, ўзаро ҳурмат, ишонч асосида қурилган оиланинг са-

одатли бекаси ҳам. -Турмуш ўртосим Абдуғани ака Юсупов билан асли синфдош бўлганмиз, -дейди Маҳбубахон. -Тақдир йўлларимиз бирлашганига ҳам 40 йил бўлибди. Ўғил-қизни камолга етказдик, элга тўйлар бердик. Абдуғани ака йиллар давомида раҳбарлик лавозимларида ишладилар. Бугунги кунда фермерлик қилмоқдалар. Мен бир аёл-оила бекаси сифатида ётиқдошим, дарддошим Абдуғани акадан миннатдорман. Мени ардоқладилар, кадрладилар, ҳаётдаги мақсад-ниятларимга қанот бағишладилар...

Олдий, камтарини, шарафли касб соҳибаси-журналист Маҳбуба Юсупова шу кунларда ўзининг қутлуг ўшини нишонламоқда. Биз эъзога, эътиборга лойиқ замондошимизга узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ, ижодий муваффақиятлар ёр бўлишини тилаб қоламиз.

ДИЛБАР



“ЭНГ ЯХШИ ТАДБИРКОР

Замондошим—
қахрамоним

АЁЛ”



Оҳангарон шаҳридаги “Хунарманд+” устахонасида бўлган киши ўзини мумтоз санъат галереясида юргандек сезади. Бу ерда халқ амалий санъатининг энг нафис ва нодир намуналари яратилади. Устахона раҳбари Зарифахон Баҳодировани нафақат юртимизда, балки чет мамлакатларда ҳам яхши билишади. Зарифахон Қорахитойнинг Охунбобоев маҳалласидаги зиёли хонадонда таваллуд топган. Иш фаолиятини 1976 йилдан ўрта мактабда ўқитувчиликдан бошлади. Кейинчалик Оҳангарон шаҳар халқ таълими бўлимида инспектор вазифасида ишлади.

24 йиллик педагогик фаолиятининг ўн бир йили вояга етмаганлар билан ишлаш бўлимида кечди, - дейди Зарифа опа. - Тарбияси оғир болалар ҳаёти билан танишар эканман, ота-она назоратисиз қолган боланинг тўғри йўл тополмаслигига гувоҳ бўлдим. Куну тун ишда бўламан. Фарзандларим тарбиясига етарли вақт ажрата олаётганими, деган ҳаёлга борардим. Хуллас, кўриб турганимиз, мана шу хунармандчилик устахонаси оналик масъулияти, аёллик бурчини англашимиз тўғрисида бўлади. Уғил-қизларимни ёнимга олиб, биргаликда тол новдаларидан гул сават тўкиб бошладик. Кўшни болаларда ҳам бу хунарга қизиқиш уйғонди. Топган пулларини болаларнинг ўз эҳтиёжи учун берардим. Болани пулга ўргатиш ёмон. Бироқ уларни пул топишга, яъни меҳнат қилишга ўргатсак, хар томонлама

фойдали бўлади. Аввало бола меҳнатга ўрганиди, бекорчи нарсаларга чалғимади, оиласига ёрдам беришни ҳам ўйлаб қолади. Унда яхшилик яратиш, ихтирочилик қобилияти шаклланади. Мен буни ўз тажрибамда кўрсатиб, исботлаб бердим. Ушбу ҳаракатлар натижасида 2000 йили “Хунарманд+” устахонаси ишга тушди. Цехда маҳаллий хом ашё—тол новдаларидан нон ва гуллар, мевалар учун сават ҳамда паннолар тўкилади. Шунингдек, дала ҳовлилар учун кулай мебель жиҳозлари, ошхона ва чойхоналарга мос стол-стуллар каби 70 дан зиёд буюмлар шартнома ва буюртма асосида ишлаб чиқарилмоқда.

Изланишлар ўз самарасини бераётти. Оҳангаронлик хунарманд “Ташаббус-2007” республика кўрик-танловида “Энг яхши тадбиркор аёл” номинациясини қўлга киритди. Зарифа опа танловнинг якуний республика босқичида қаторасига тўрт йилдан буён иштирок этиб келади. - Мендек оддий ўқитувчи аёл учун бундай нуфузли танловда қатнашиш шарафли албатта. “Энг яхши тадбиркор аёл” номинациясига 2005 йилда ҳам сазовор бўлган эдим. Танловлар бизга ўз салоҳиятимизни намоян этиш учун имконият яратяпти деб ўйлайман. Хамиша ўқиб-ўрганиб, қаттиқ меҳнат қилиб, тинимсиз изланаёпмиз. Дастлабки танловда 15 хил маҳсулот билан иштирок этган эдик. Бугунги кунда эса устахонамизда 70 дан зиёд буюмлар ишлаб чиқарилади.

Зарифа опадан ютуқлари сирини ҳақида сўрасангиз шундай дейди: - “Барчасига фақат меҳнат тўғрисида эришдик. Тадбиркорлик ривожлантиришга оид фармонлар, илғор технологиялар натижасида фаолиятимизга

кенг йўл очилди. Қачонки жамиятда ишлаб чиқариш бўлсагина ривожланиш бўлади. Имкониятимизни янада кенгайтириш устида изланаёпмиз, ҳамкорлар орттираяёпмиз. Яқинда интернетда ўз сайтимизни очдик. “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” номли нуфузли Халқаро савдо кўргазмасида иштирок этдик.

Ўғилларим Жаҳонгир ва Неъматхон, келинларим Нодирахон, Шаҳнозахон, қизим Муаттархонларнинг ҳам бу ютуқларда ҳиссаси улкан. Шогирдларим Улғубек Ҳамроев, Дониёр Акрамов, Анвар Ўтбосаров, Аҳрор Норматовлар ҳам муваффақиятларга эришаётгани қувонарлидир.

Устахонамиз қошида “Маҳорат мактаби” очганимиз. Ҳозирда 20 нафар ўғил-қиз касб сирларини эгаллашяпти. Қўлда тўқиш санъати кишидан эҳн-эйтибор, қунт ва чидам талаб қилади. Инсон қўли, заковати бемисл мўжизалар ярата олишини ўз ижод намуналаримиз билан кўрсата олдик. Ташкентдаги, республикамизнинг бошқа шаҳарларидаги улкан маъмурий бинолар, маъданий-маиший мажмуаларда бизнинг маҳсулотларимиз кўрк бўлиб турибди.

Киши меҳнатининг самарасини кўриб тургани, янада руҳланиб ҳаракат қилаверади. Шу меҳнатимиз тўғрисида элга танилган, чет давлатларда ҳам эйтибор қозондим. Бутунжаҳон хунармандларининг Халқаро Хиндистон форумида иштирок этдим. Буюк буюрилар бунёд этган муқташам саройлар, афсонавий Тожмаҳалли зиёрат қилдим. Шунингдек, Мисрда ҳам бўлдим. Миср араб республикаси Тадбиркор аёллар уюшмасининг президенти Хода Галал Ясса хоним билан учрашиб, ўзаро ҳамкорлик шартномасини имзоладим.

Хунарманд аёл, Оҳангарон шаҳар “Тадбиркор аёл” уюшмаси раиси, бахтли она, суюкли буви Зарифахон Баҳодировага сийҳат-саломатлик, узок умр, улкан зафарлар тилаймиз.

Р.САЛАЕВА,
Ф.ПАРДАЕВ

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган БМТ Болалар жамғармаси(ЮНИСЕФ)нинг Ўзбекистондаги Ваколатхонаси ҳамда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида “Эрта ёшдаги боланинг хар томонлама ривожланиши” (ЭБХТР) ёндашувига амал қилувчи Оилавий таълим дастури фаолияти эйтиборга лойик ишларни амалга оширмоқда.

Яқинда пойтахтимизнинг Марказий меҳмонхонасида бўлиб ўтган мазкур лойиҳанинг учинчи Миллий Конгрессидан ана шу борада қилинаётган ишлар тўғрисида сўз борди.

Тадбир давомида дастурнинг асосий моҳият ва мақсади — бола парваришига оид ота-оналар билими ва кўникмаларини юксалтириш қандай ҳолатда, бола парвариши

ёшдаги болалар — 20%, 6-7 ёшдагилар — 27%) ҳамда ногирон болаларнинг махсус муассасаларга жойлаштириш ечимини кутаяётган муаммолар эканлиги муҳокама этилди.

Республикамизнинг турли вилоятларидан иштирок этаётган ҳоким ўринбосарлари, маҳалла маслаҳатчилари, тиббиёт соҳаси ва таълим тизимида фаолият олиб бораётган фаол аёллар музокара олиб боришди, - дейди биз билан суҳбатда Оилавий таълим дастури мутахассиси, ТошПТИ доценти, педиатр Муазам Исмоилова. - Айнан ана шу мутахассислар томонидан юртимизнинг турли ҳудудларида “Ҳомилдор аёл ва эмизувчи

онанинг овқatlanishi”, “Она сути билан бо-

Муассисларимиз
ҳаётидан

БОЛА ТЎҚИС УЛҒАЙСИН

ва тарбиясидаги мавжуд муаммоларнинг сабаблари кизгин муҳокама этилди.

Мутахассислар фикрича, баъзи оилаларда бола туғилгандан то 3 ёшгача унга таълим бериш деярли йўлга қўйилмаган. Ваҳоланки, бола миясининг 80% она қорнидаёқ ривожланади. Ақлий ривожланиш эса, бола туғилиши билан бошланади. Она болага кўпроқ гапириши, китоб ўқиб бериши, расмлар кўрсатиши жуда муҳим.

Статистик маълумотларга кўра, Ўзбекистонда 15 ёшдан 49 ёшгача бўлган 65% аёлларда камқонлик хасталиги кузатилган. 5 ёшгача бўлган болаларнинг 20%и тўлақонли овқatlanишмайди. Ваҳоланки, овқatlanиш ақлий ўсишга катта таъсир кўрсатади.

Болани 6 ойгача она сути билан боқиш ниҳоятда муҳим. Шу давр ичида болага сув, турли шарбатлар, ҳатто эмизак ҳам бериш фақат зарар келтиради.

Оилада яна бир муаммонинг мавжудлиги дастур доирасида эйтибордан четда қолиши мумкин бўлмаган масала эканлиги эйтироф этилди. Бу отанинг бола тарбияси ва парваришида иштирок этиши. Кўпинча, ўзбек оиласида ота боланинг гўдақлик чоғидаги парваришида қатнашмайди. Бу отанинг вазифаси деган қарашлар мавжуд. Ваҳоланки, ота ҳам бола тарбияси ва парвариши билан шуғулланса, бу бола яхши ўқийдиган, соғлом ҳамда ўзини доим ҳимояда эканлигини ҳис қиладиган бўларкан.

Тадбирда ота-оналарнинг болани тўғри озиқлантириш ва парвариш соҳасида билим савиясининг етарли эмаслиги, болаларнинг боғчаларга қатнаши кўрсатгичи пастлиги (3-5

қиш”, “Бехатар оналик”, “Анемия ва йод танқислиги хасталиқларини олдини олиш”, “Болалар ҳуқуқлари ва уларнинг ҳафсизлигини ҳимоялаш”, “Гигиена”, “Биз касалликларнинг олдини олишимиз” мавзуларида машғулотлар, тренинглар ўтказилаётгани яна бир ютуғимиздир. Лойиҳанинг бажарилиши самараси ўлароқ, олиб борилган ишлар бир мунча ижобий натижа кўрсатди. Аҳоли ўртасида йодланган тузни истеъмол қилиш, она сути билан озиқланишнинг аҳамияти, ўткир нафас йўли вирус касалликлари профилактикаси, ўткир ичак касалликлари, анемия каби хасталиқлари муаммоларига нисбатан муносабатни ўзгартиришга олиб келди.

Конгресс сўнггида Ўзбекистонда болалар тарбияси амалиётига оид таянч тадқиқот маълумотлари, мутахассислар, тренерлар, волонтерлар, маҳаллий маъмурият раҳбарлари, халқотлар ва маҳаллий ташкилотлар орасида тажриба алмашинувини таъминлаш, ОТДни янада ривожлантиришга оид тавсиялар, лойиҳани мамлакат миқёсида кенгайтиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, нафақат республикамизнинг барча давлат ва жамоат ташкилотлари, балки, хар бир оила, ота-она ушбу дастур доирасидаги вазифаларни ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик билан ҳал этсалар, ўз кучлари ва имкониятларини сафарбар этиб, бу эзгуликка жонфидолик билан қўшилиб, уни қўллаб-қувватласалар мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Хулқар
ХОТАМБОЕВА

НАФАҚАТ ЮТУҚЛАР ҲАҚИДА...

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг навбатдаги VII - Бошқарув йиғилишида Президентимизнинг ПФ-3434-Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 299-сон қароридан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш, оилаларни мустаҳкамлаш, аёлларни ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ҳимоялаш, уларни соғломлаштириш масалаларига эйтиборни кучайтириш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида сўз борди.

Йиғилишда Бошқарув аъзолари, Олий Маҳлис Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, вилоятлар хотин-қизлар кўмиталари раислари, матбуот ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар. Йиғилиш кун тартибидан ўрин олган ма-

салалар юзасидан маъруза қилган Ўзбекистон Бош Вазирини ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси С. Инамова олиб борилаётган ишлар ҳақида танқидий фикр билдирар экан, хотин-қизларга оид салбий кўрсаткичларга алоҳида тўхталди. Аёллар ўртасида ўз жонига қасд қилиш, жиноят содир этиш, ёлғиз оналар, оталикни белгиллаш, болалар ўлими каби ҳолатлар таҳлил этилди.

Хуқуқ-тартибот идоралари, хотин-қизлар кўмиталари ва маҳалла ҳамкорлигида оилаларда мавжуд ижтимоий муҳитни ўрганиш, юз бериши мумкин бўлган ноҳуш ҳолатларнинг олдини олиш бўйича профилактика чора-тадбирлари белгиланган бўлсада, уларни амалга оширишда сусткашликка йўл қўйилмоқда, - деди Светлана Инамова.

Ахборот

Шунингдек, йиғилишда “Ижтимоий химоя йили” Давлат дастурининг бажарилиши, Президентимизнинг “Миллий гоё тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида” Қарори ва “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони асосида олиб борилаётган ишлар, Зулфия номидаги Давлат муқофотига бўлиб ўтадиган навбатдаги танловлар ҳақида, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасига 2007 йил 6 оий давомида тушган аризалар ва шикоятлар билан ишлашнинг аҳоли тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

Йиғилиш сўнггида муҳокама этилган масалалар юзасида тегишли қарорлар қабул қилинди.
М. ШУКУРОВА

ФАРЗАНДЛАРИМИЗНИ ГУНОҲДАН АСРАЙЛИК!

Хивага Ҳазрати Полвонгирни зиёрат қилиб, бозорни айланишга ўтдик. Катта ўғлимга отаси ёзги оёқ кийим олиб берди, кичик ўғлим ҳам уларга эргашиб юрганди.

Ёз мавсуми бўлганлиги сабабли, бодринг тузламоқчи бўлиб, банка харид қилдим. Уйга келгач, катта ўғлим отаси олиб берган ёзги оёқ кийимини кийиб кўрди. Шу пайт кичик ўғлим ҳам: "Отам менгаям олиб берди", деб у ҳам кийди.

Хайрон бўлдик, отаси уни ёш кўриб олиб бермаганди-да. Бу эса кийиб ола қолибди-ю, биз эса пулини ҳам бермай келаверибмиз. Буни афтидан ҳатто сотувчи ҳам сезмай қолган. Ҳа, майли бир борганимда сотувчига пулини берарман-да, деб уйлаб қўйдим. Шу пайт банкани ювайтиб, банкани синиб кетди. Ўғлимни олдимга чақириб: "Болам, сен шуни олганингни айтганинг-да, пулини тўлардим. Сен китоб олган 3 минг сўмлик оёқ кийимнинг пулини тўламаганим учун банкани синди", - дедим. Эртасига эрим пулини олиб бериб берди. Ўғлим ёш бўлса-да, тушунгандай бўлди, лекин кейинчалик ҳеч ҳам бундай иш қилмади. Балки ўғрилиқ гуноҳ эканлигини тушунгандир...

Ёшлигимизда кўчамизда бир ўғри бола бўларди. Дадаси нарвонга осиб, товонини кесарди ва туз сепиб урарди. Шунда унга: "Нега ўғрилиқ қиласан?" - деб сўраганман. У: "Биринчи бора бозордан онамга пайпоқ олиб келганман. Шунда онам мактаганди. Демак, мен нарса олиб келсам, онам мени эр-каларкан, деб, ҳар бозор бир нарса олиб келаверганман."

Тарбия соати

Шундай қилиб ўрганиб кетдим", - деганди. "Кеча аданг нега урди?" десам: "Уч ойдан бери бобом билан момонинг нафақасини ўғирлаб, еб-ичиб юргандим. Шуни дадам сезиб қолди. Бобом: "Сенинг эс-ҳушинг йўқ, берган нафақа пулларини қаерга қўйганинг билмайсан", - деб момонни неча бор урди. Мен пенсия пулини олиб келган почтачи орқасидан уйга кирардим-у, эшикнинг орқасида яшириниб ўтирардим. Момом пулни қаерга қўйганини кўриб оллардим. Пойлаб, ухлаганларидан сўнг оллардим", - деди.

Онаси доим боласининг ёнини олларди. "Болам бозорда нарса ташиб, меҳнатининг орқасидан еб-ичиб, кийинади", - дерди. Кейинчалик йирик ўғрилиқка ўтиб, қамалиб ҳам чикди. Шундай кўйга тушишдан худо сақласин. Шу ўринда бир аёлдан эшитганларим ёдимга тушди.

- У пайтда бог деворлар бўлмасди, - дея гап бошлади аёл. - Ёш келин пайтларим эди. Бир пайт кўшни эркакнинг хотинига: "Палов қилиб қўй!" - деб бақирганини ва аёли: "Гўшт йўқ!" - деганини эшитиб қолдим. Эркак бунга жавобан: "Сен гўштни қайғусини қилма, ҳозир олиб келаман", - деб эшагини миниб, дала томон йўл олди. Мен эса: "Қани, гўштни қаердан топиб келаркан", деб қизиқиб кузатдим. Эркак далада куркаларни боқиб юрган аёлининг куркасидан бирига таёқни зарб билан уриб, оёғини синдириб, эшагининг устидаги журҳунига солди. Аёл ҳеч нарса сезмади. Эркакни кўриб, аёл салом берди. Эркак: "Саломинг бошингдан ордона қолсин. Сени Оллоҳ сўйганида 11 яшар қизингнинг жонини олар-миди?" - деди. Аёл бу гапларни кутмаганди, албатта. "Воҳ пешонаман шўр экан", деди-ю, изилаб йиғлаб, куркаларини санашни ҳам унутди, уларни олдига солиб, уйига кетди. Эркак ҳовлисига қайтиб келиб, хотинига: "Мана гўшт, паловни дон-дона қилиб пишир", - деб тайинлаганини ҳам эшитди.

Эртасига шу кўшнимизнинг 3 яшар қизи бирдангина қорни оғриб, ўлиб қолди. Бу ситамларга чидай олмаган она жиннисифат бўлиб қолди...

Оллоҳ ҳамма нарсага кўргувчи ва билгувчи. Авваллари: "Бировга кулсанг ёки уни хижолат чекишга ундасанг, 40 йилда бўлса-да қайтади", дейишган бўлса, ҳозир 4 соатга ҳам қолмай қайтганига неча бор гувоҳ бўлганман.

Яқинда бозорда бир аёлни савдогарлар ўғирлик билан тутиб олишибди. У иккита сочж, бир бўлак катта қолбаса ва бир неча "Она" ёғини ўғирлаган экан. Ундан: "Буни қаердан олдинг? Қайси сотувчидан олиб, қанча пул тўладинг", деб сўрашди. "Хув авани ердан", дермиш-у, исобатлаб бера олмасмиш. Бу пешонаси шўр аёл ўғирлик қилиб, топганларини болаларига едирса, у болалар қандай тарбияли бўлишаркан?

Баъзи оналар болалари билан муомала-муносабат боғлашдан кўра, телевизор кўришни ёки соатлаб телефонда гаплашшни афзал кўришади. Бола учун алоҳида вақт топиб, чиройли ривоятлар ва ҳикояларни ўқиб, айтиб, фикрлашса хулқу адаб қоидалари бола онгига маҳкамроқ ўрнашиб қолади.

Сўзимни аз Замахшарийнинг "Нозик иборалар" китобидаги ушбу иқтибос билан якунламоқчиман: "Баъзида икки ярамасдан Ҳасан мисоли гўзал бир ўғлон дунёга келади, чунончи қон билан этнинг орасидан сўт қикади". Сўтдек оппоқ гуноҳсиз болажонларимизни гуноҳ ишлардан жон-жаҳдимиз билан асрайлик!

Фотима БОЛТАЕВА, Кўшкўпир тумани.

Баъзида бошимизга оғир мусибат тушиб, ўлим ҳоллари юз берганида: "Тақдир пешонасига битилгани шу экан, нима ҳам қила олардик, ўлим ҳақ", - дея ўзимизни ҳам, ўзгаларни ҳам овутмоқчи бўламиз. Тўғри, ҳаёт тасодифларга тўла, инсон эртага нима бўлишини билмаслиги мумкин. Лекин ўзимизнинг ҳеч нима билан алмашиб бўлмайдиган соғлигимизни авайлаб, асрасак бўлади-ку. Агар вақтида олдини олиб, даво чораларини кўрса, инсон ҳар қандай касалликдан тезда фориғ бўлиши мумкин.

Тиббийот жуда илгарилар кетган. Чека туман кишлоқларда ҳам касалликни бир зумда аниқлаб беради-

лари афсуски кеч эди. Тонгда қомага тушган бемор оғзидан лахта-лахта қон келиб, жон берди...

Ҳамон халқ ичида сариқ касални дуо, дам, гиёҳлар билан даволайдиган табибларга ишониб, аросатда қолаётганлари ҳам йўқ эмас. Тўғри, қанча-қанча халқ дардини енгил қилаётган ҳаққоний табибларимиз ҳам бор. Лекин сариқ касалда жигарни ювиш, ётиб даволаниб, парҳез қилиш керак-ку. Яна бир киши сариқ бўлиб, акасининг тавсияси билан мотоциклга мингшиб, узок жойдаги табибниқига боришади. Табиб ҳам дуо, дам қилиб, бемор тилининг тағидаги томирини эзгилаб: "Энди отдай бўлиб

ди. Беморнинг аҳоли яхши томонга ўзгармагач, она ҳар хил мулла, кушнотларнинг олдига югуриб, амал-тақалини қилади. Қизининг аҳоли оғирлашиб, қомага тушган пайтда ҳам онаси қайсибир бир табибниқига кетган бўлади. Наҳотки, мулла, табибларга топилган пул докторга топилмаган бўлса?!

Кишлоқ ҳамшираси куйиниб айтиди: "Вақтни ўтказмай, беморни касалхонага олиб бориб даволаштишганда, ўн гулудан бир гули очилмаган 16 яшар навихол қиз жувонмарг кетмас эди... Кўшнимизнинг келинини олдин ҳам боласи тушган эди. Ҳозир олдиндан келаялман, анемия касаллиги бор.

ЛОҚАЙДАЛИК БАЛОСИ

ган замонавий асбоблар мавжуд. Аммо озгина эътиборсизлик, "касаллик ўтиб кетар, унганча зарур шароитларимни битириб олай", деган ўй-хаёллар нақадар аянчли ҳолларга олиб келишини ўйлагимиз ҳам келмайди, баъзида. Пул камлигини баҳона қиламиз. "Қизимни чиқариб олай, унинг таъмирини битказмай, даволаниш бўлса қочмас", - деймиз.

Кишлоқда беш болали, иш деса, рўзгордан жонини аямайдиган яхшигина бир укашонимиз бор эди. Озгина дармони қочгандан кейин хотини кишлоқ амбулаториясига кўради-қўймай олиб борибди. Врач унга эндигина сариқ касали аломатлари бошланганлигини, зудлик билан ётиб даволаниши зарурлигини айтади. Афсуски, у эътибор қилмайди. "Пиллага ҳам бир ҳафта қолди, топшириб олай", - деб тут кесиб юраверади. Ҳамшира икки-уч марта уйига келиб, хотинига ҳам, ўзига ҳам ётиб даволанишини қайта-қайта тайинлаб, бир гап бўлганда, у ҳам нукул тухум қовуриб беради. Оқибат шу бўладики, бир кун иш пайтида у йиқилиб қолади. Қариндошлар энди зир югуришиб, касалхонага элтишади. Бемор ўзини билмас ҳолатда эди. Врач бошини қайчаб, сариқ касал ўтиб (+9) жигар эзиллиб кетганлигини айтади. Саросимага тушган қариндошларнинг, қанча дори-дармон бўлса топиб келишларини айтиб, врачга илтимос қилиш-



Ҳомиласига беш ой бўлибдики, врач қабулига чақирилса ҳам, бирон марта бормаган. Яна бир аёлга олти боладан кейин туғиш мумкин эмаслигини тайинлади. Чунки аёлининг анемияси бўлиб, ёши ҳам қирқларга борган эди. Аёл эса яна ҳомилдор бўлади, врач қабулига эса умуман бормади. Туғилиш пайтида жуда кўп қон кетиб, аёл ҳам, гўдаги ҳам нокуд бўлди. Шифокорларнинг барча ҳаракатлари самарасиз кетди. Аёлининг отаси: "Дўхтирлар қизимга қарамади", - деб анча вақт арз-дод қилиб юрди...

Дарҳақиқат, ҳамма касалда бўлгани каби, шифокорларнинг ҳам бир-иккита касбига совуққон, лоқайдлари учраши мумкин. Аммо эл-юртнинг соғлиги деб, кеча-ю кундуз беморларнинг бошидан кетмаган, уларнинг оёққа туриб кетишига ўз халқимизнинг қўшаётган оқ хиласатини фидокорлар жуда кўпчиликини ташкил этади. Ахир улар ҳам худонинг ердаги ожиз бандалари. Касаллик ўтган бўлса, ёлғиз Оллоҳдан ҳоқ ҳеч қим ҳеч нима қилолмайди. Баъзида беморнинг қариндошлари аламини (хамла қилиб) врач-ҳамширалардан олмоқчи бўлишади. Ҳатто, касалхона деразасини уриб, синдиришга ҳам бориб етишади.

Соғлигимиз ўз қўлимизда, азизлар! Лоқайдлиқ балосидан худонинг ўзи асрасин!

Пардабой ҚУЛАТОВ,
Сурхондарё вилояти,
Жаркўрғон тумани,

"Сурхон" фермерлар уюшмаси.

ИСМИ ЖИСМИГА МОНАНД...МИ?

Фарзандаги исм танлаш - унинг тарбияси каби ўта маъсулятият иш деб ўйлайман. Баъзи тадқиқотларга қарасам, ҳатто исм - боланинг келажига, тақдирига, феъл-атвориغا таъсир кўрсатар экан.

Бундан чорак аср муқаддам, Россияда чиқадиган "Огонёк" журналида босилган хабарда айтилишича, сибирлик бир математиклар оиласида дунёга келган уч қизга Радисана, Медиана, Гипотенуза деб, икки ўғилга эса - Катет ва Полюс деб исм қўйилган экан!

Математиканинг мураккаб қисми геометрия шу оилада ўз аксини топибди! Бошқа оилада эса чақалоқ ёруғ дунёга келиши билан - Электрофикация, иккинчи ГОЭЛРО (Россияда Электлаштириш Давлат Режаси) деб исм қўйилди. Ҳам кулгили, ҳам ачинарли.

Бизда-чи?

Бизда дўпписини олиб келиш бююрилса, бошини кесиб келади-ганлар етарли эди. Дунёнинг қайси қисмида бирор одамнинг исми тилга тушди, бизнинг чақалоқ ўша исмга дучор бўларди. Уттизинчи-қирқинчи йиллари Тельман, Хозе Диас, Роза, Клара, Феликс, Долорес, Офелия, Индира, Маузер, Жон Рид, кейинроқ Эльмира, Эльвира, Хужума, Динара, Дамира деган исмлар кириб келди. Тилшуносларимиз кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган қисқартма ва атамаларга дуч келишди. Марлен (Маркс, Ленин), МЭЛС (Маркс, Энгелс, Ленин, Сталин), Энмарк (Энгелс, Маркс), Вилор (Улуғ Октябр), Октябр, Инқилор (Хуррият каби инқилобий - ватанпарвар исмлар пайдо бўлди). Ҳозирги кунда эса Жонсон, Гўзал,

Севги, Шахло каби сифат белгиларини исм қилиб олиш авж олиб кетди. Айтинг, айтинг, катта бўлганда исми жисмига мос бўлсин-да...

Малоҳат, Садоқат, Латофат, Зилола, Маважуда, Нафосат, Зебуносиа, Лутфинисо, Паризод, Рисолат, Саломат, Қаромат, Фароғат, Шафрат, Эътибор, Ҳалима, Шамсия каби минг йиллар юзини кўрган исмлар анча кам учрайди.

Ўғил болаларга исм танлашда, тахминан, шундай аҳолини кўрамиз.

Фарзандларимиз ҳам исму насаби, ҳам феъл-у атвоори, ҳам онгу тафаккури, ақлу идрок билан буюқ ўтмишимизга, худди шунингдек, замонамизга мос, Ватан тақдирига маъсул жиддий кишилар бўлиб етишишларини Оллоҳдан илтижо қиламиз.

Анвар ТОҶИЕВ

СИНГАН ЮРАГИМ

Азиз "Oila va jamiyat"! Яна сени эсладим, юрагингга киришни, насиҳатларингни олишни хоҳладим. Дардларим олам. Фақат сенга суяндим. Илтимос, менинг пора бўлган юрагимга далда бўл, йўл кўрсат. Балким сенинг насиҳатинг ила ўз оилани йўлга соларман, деган умиддаман.

Мен ўн йиллардан бери эрим билан яхши-ёмон кунларни ўтказдим. Менинг қалбимга яна бир инсон кириб келишини билмагандим. Ишхонамизга бир ишчи келди-ю, мен унга ипсиз боғландим. Бир лаҳза бўлса-да, у билан суҳбат қургим келади. Иккаламизнинг ҳам ўз оиламиз бор. Ҳар доим эримнинг

аччиқ кесатиқ гаплари мени бир лаҳзада ўзидан узоқлар, норози сўзлари билан ўзидан совутарди.

Ишхонага келган йигит эса ширин гаплари билан мени ўзига ром қилди. Бемаврид севаги қалбим боримни вайрон қилди. Сенинг насиҳатингни кутиб қоламан. Илтимос, мендан ёрдамнинг аяма...

РУХСОРА,
Қашқадарё вилояти.



можаросига, унинг алам-андух фаввосига дош бера олмай орқага чекинади.
Турмушда бунга тирик мисоллар талайгина. Аммо ҳамманинг ўзидан ўтади - ўзи билди. Қалбига қулоқ солиб, оиласидан воз кечганлар бўладиган бўлса, улар қанақа одамлар бўлди экан, билмадим-у, лекин уларнинг кўпчилиги жуда бўлмаганда, кейинроқ

ҳис-туйғуларини деб адашганини тушунадан ва охир-оқибат кейинги ишқ - муҳаббат соҳибасидан кўнгли совийди. Сиз ёқтириб қолган эркак ҳам шундайлардан бўлиб чиқса-чи?! У ҳолда икки оиланинг бадном бўлгани қолади, шундай эмасми? Сиз ўз оилангизнинг, у ўз оиласининг одамлар кўзиде, ҳаётингизда шу тарзда бадном

МУҲАББАТ ЁШ ТАНЛАМАЙДИ, ОИЛА ЭСА МУҚАДДАС

Мухтарама Рухсороҳон! Сизнинг "Oila va jamiyat" газетасига йўллаган мактубингизни олиб, синчиклаб ўқиб чиқдим. Англадимки, хат ширин гапни билмайдиган, меҳр-оқибат кўрсатиб турмайдиган кўпол, дағал эридан совиган аёлнинг дарди, ҳасрати. Нафақат дарди, ҳасрати, балки нидоси, тугъени.
Ҳа-да, ўн йил умр кўриб, бола-чақали бўлиб, бир оғиз ширин сўзга зор бўлган ва ниҳоят ишқий сабаб билан таҳририятга хат ёзиб, маслаҳат сўраган одамни бошқа яна қанақа тушуниш мумкин? Бу бечора бошқа чора топа олмаганидан шу юмушга қўл урган. Тўғри, биров ёза билади, биров ичига ютади. Биров ўз туйғуларини ифодалашга уста бўлади, биров шунга келганда нуноқлик қилиб қолади. Кўнгил нидоларини очиб беришга, аҳволини бутун тафсилотлари билан баён қилишга сўз топа олмайди. Майли, бунинг сизга борди-келдиси йўқ. Мен тушундимки, сиз ўзингиз айтгандай, ўрта ёшингизда ўз ётиқдошингиздан совиб, бошқа бир эркакни севиб қолибсиз...

Ҳаёт шундай, кимдир ёшлигида, кимдир ўрта ёшида, кимдир ёши ўтиб қолганда севиб қолади. Унга кўнгли бериб қўяди ва оқибатда нима қиларини билмай боши қотиб юради. Яхши кўриб қолган кишисини деса, оиласидан воз кеча олмайди. Оиласини деса, сеvimли сиймо кўз ўнгидан

кетмайди. Ёлғиз қолдими, у билан хаёлан суҳбат қуради, оромбахш ҳисларга фарқ бўлади. "Қалбим истақларини рози қилсам қанийди", дейди. Орзуларга ботади. Бу ёқда эса оиласи, кўз очиб кўрган эри, фарзандлари! Бири ўт бўлганда, бири сув бўлмайди, ҳеч қачон! Ҳаётда ўт билан сув бирга юрмайди. Одамзод қайси тарафни кўп ўйласа, шуниси ўт бўлиб юрак-бағрини куйдираверади. Сув эса яқин келмайди, аланга тафтини босмайди. Муҳаббат ёш танламайди, деганлари шу-да! Нима қилиш керак?! Албатта, бирдан воз кечиш керак!

Сизга эса сингилжон, ишқингизни жилволаб, нафақат жилволаб, балки занжирбанд этиб, оила томонига ўтишингизни маслаҳат бераман. Оила - муқаддас. Оила - инсон кўрки, одамзод юзи, авлод макони! У ҳар қандай ҳолатда ҳам одамлар, таниш-билишлар, қариндош-уруғлар кўз ўнгиде, зурриётлар қалбиде бўлади. Ишқ деган савдо эса эркакдир, аёлларнинг ичиде, юрагиде, кўнглиде кечади. Уни босиш ҳам, совуқ сув сепиб музлатиб қуйиш ҳам инсониятнинг ўз



қўлида. Сизлар 18-20 ёшли йигит-қиз эмассизлар-ку! Бунинг устига, кўпгина оилали кишиларнинг севаги туйғулари кўпмақсадли бўлмайди. У бир-икки бор ёр васлига етган, ишқ ўтиб босилгандай бўлади, совигандай туюлади ва охир-оқибат оила

бўлса-да, ўз хатоларини тушуниб еттидилар ва афсус қиладилар. Ҳаёт ўта нозик, ўта синовчан!..

Демоқчиманки, сиз ҳам ундайлар аҳволига тушиб қолманг. Севгингизни қалбингизнинг энг илиқ, аммо энг чуқур қабрига кўминг-да, оилангизни маҳкам ушланг. Эрингизга меҳр кўйинг, оқибат кўрсатинг. Аммо зинҳор ва зинҳор қалбингизга кириб қолган у эркакни эрингиз билмасин, пайқамасин. У фарзандларингизнинг отаси. Фарзандларингизнинг кўз ёшлари сизни бир кун келиб ёқангиздан тутмасин. Устига устак, сиз ёқтириб қолган ишқонангиздан эркак ҳам оилали экан. У ҳам сизни деб турмушини вайрон қилмасин. Ёзингизга, ширинсўз экан, ширин оиласининг уволига қолмасин. Мен у кишини яхши билмадим-у, бироқ аксарият оилали эркаклар, юқориде эслатиб ўтганимдек, бора-бора

бўлишини хоҳлайсизларми? Йўқ. Менимча ҳам йўқ. Ўзингиз ҳам хатингизнинг бир ерида ақллилик қилиб: "Биз оиламизни бўзиб, бахтли бўлиб кетишимизга кўзим етмайди", деб ёзибсиз-ку. Жуда тўғри! Мен мана шу фикрингизга офарин, дейман. Устига устак, ўзингиз ёзингизга, ишқонадаги таниш-билишлар ҳам сизларнинг ўрта ёшингиздаги бу ишқ-муҳаббатга қарши эканлар. Улар ҳам бир нарсани биладиларки, сизларнинг бу ишқибозлигингизга қарши бўлганлар. Уларнинг фикр-мулоҳазаларини ҳам инобатга олиб, иш тутинг, сингилжон!.. Улар сизни ҳам, у кишини ҳам яхши билишади.

Демакки, уларга кўп нарсаравшан. Сиз - севишганлар эса ишқнинг ҳозирги алангаташ қобиғига ўралиб қолиб, ақл-идрокингиз хира тортган даврни бошдан кечирмоқдасизлар. Бу давр - қалтис давр. Бу даврда сиз каби ошқ-маъшуклар оиласини маҳкам тутмоғи лозим!

Муҳаббат ёш танламас - ақли йўқ!
Кўзи йўқ, тили йўқ,
рафтори йўқ.
Ёши йўқ, қариси йўқ,
дўсти йўқ,
Ким демас, ҳолинг сўрмас - ори йўқ.
Азимжон ҚОСИМОВ

КЕЛИНИМ ЖУДА СЎҚОНҒИЧ...

- Қизим, мен Тошкент шахрининг Чилонзор туманидан кўнгирак қилаяпман, сизларга гапим бор эди. Илгари яхши жойларда ишлаганман, ҳозир пенсиядаман, исми Муборак, - деди бир аёл йиғламсираб.

- Бемалол гапиринг, онахон! - дедим аёлни нима деб юпатишни билмасдан. Ниҳоят, анча ўзига келиб қолган, онахон тетик овоз билан гапирди бошлади.

- Уч нафар фарзандим бор. Кенжамга орзу ҳаваслар билан йиғиб-териб Зангиотадан келин олгандим. Энди фарзандлар олдидаги қарзимдан қутулдим, - дея енгил нафас олгандим. Аммо, адашган эканман. Машмашага қилиб кетдик.

- Қандай қилиб?
- Орзулаб олган келиним бало чиқиб қолди. Ўзи анча ночор оиланинг қизи эди. Келин бўлган, ҳеч кимни менсимай қўйди. Истаган пайтида онасиникига кетади, истаса ётиб қолади. Майли, хомладор-да, фарзанд кўрса босилган ундек бўлиб уйда ўтирар, дегандим.

Йўқ, кейинчалик боласини кўтариб кетадиган бўлди. Ораддан анча вақт ўтиб иккинчисини туғди. Лекин ҳали ҳам би-

рини кўтариб, бирини етаклаб кетишни кўймади.

- Насиҳат қилиб кўрмадингизми?

- Э, бу насиҳатларимизни эчкига айтганимизда, эҳтимол у ҳам одам бўлиб кетармиди? Бир оғиз гап айтиб бўлмайди. Ҳовлининг ўртасига чиқиб олиб овозининг борича бақиради, денг!

Кўшилардан номусларга ўлиб бўлди! Шу келин келгунча кўшиларимиз "тик" этган овозимизни эшитишмаганди. Энди бўлса бутун маҳалла олдида шармандашармисор бўлди!

- Келинингизнинг айби кетиб қолаверишимиз ёки?..

- Қай бирини айтмай? Бир кун катта ўғлим насиҳат қилганди, мени ҳам, эримни ҳам қўшиб, русчалаб роса сўқди.. Биздан жажли чиқса, ёки уйдаги бирор гап унга ёқмай қолса дарҳол иккала боласини ҳовлининг ўртасига олиб чиқиб,

ҳолдан тойгунча калтаклайди.

Шу сабабми, иккала набирам ҳам инжиқ, бетартиб, гапга кирмайдиган бўлиб қолган. Уларни ҳатто онаси ҳам ухлата олмайди. Бечора катта келиним кириб ухлатиб, чиқиб кетади. Неча марта онасининг олдига олиб бориб, гаплашдик.

- Фойдаси бўлдими?

- Онаси насиҳат қилиб, бундоқ сал қойиб қўйса-ку, эҳтимол сал инсофга келган бўлармиди? У бўлса... "Асабига текканларинглардан кейин сўқади-да, иложи қанча?" - дея ҳафсаламни пир қилди.

- Нега энди ўғлингиз билан келинингизни бўлак қилиб юбормайсизлар?

- Қани эди-я, келин ўғлимни одам ўрнида кўрса-ю, фақат бизга аччиқ-тизлик қилса? Улар алоҳида яшайдиган бўлишса, ўғлимнинг ҳоли не кечади? Бизнинг олдимизда туриб ўғлимга айтмаган гаплари қолмайди-ку!

Кўнгиракларингиз...

Бунинг устига ҳовлимиз жуда катта, икки томонига шинам қилиб уйлар қурганмиз. Набираларим шу уйларда яйраб-яшнаб ўсишсан, дегандик. Энди нима қилишга ҳайронмиз.

Бир ҳафта бўлди. У иккала набирани олиб онасиникига кетиб қолди. Биз тўйга кетгандик, ўғлим эса ишда эди.

Бориб олиб келай десам... У онасини уч пулга олмайди. Онасини ҳам уят сўзлар билан сўқатганини кўп эшитганман. Ҳатто кўл телефониде ҳам сўкиним гаплашади. Онасининг бу гапларини болалари ҳам ўрганиб олишибди.


Улар ҳам айтаётган гапларининг маъносини билишмаса-да, онасидек сўкинишни ўрганиб олишибди. Эртага буларнинг тақдирини нима бўлади? Уларнинг ҳоли не кечаётган экан? Ёмон онасини деб набираларим сарсон бўлиб, бировларнинг қўлига термулиб қолмасикан?

Муборак аянинг гаплари мени ўйлантириб қўйди. Она меҳрга, эъзозга лойиқ. Онасидан бундай сўкишларни эшитган болалар эртага улғайишса уни хурмат қилишармикан? Албатта йўқ-да.

Азизлар, сиз бу борада қандай фикрдасиз?

ГУЛБАШАКАР

ОЗОДАЛИК ОДАТИМИЗ БЎЛСИН!



Тоза сув муаммога айланиб бораётган бир пайтда ушбу мақоланинг чоп этилиши кўкқисдан гумбурлаган момақалди-роқдек ҳар куни кўравериб, кўзларимиз ифлосликларга кўникиб қолган ҳар қайси газетхонни сергак тортиради, қарақликдан уйғотади. Бу биргина Самарқанд шаҳрининг муаммоси эмас. Утган йил 2700 йиллик юбилеи нишонланган Қарши шаҳри маҳаллаларида бўлсангиз, асосий йўллар ёқаси, бетон ариқлари ичига назар солсангиз, шоира Саломатхон Маматқулова тасвирлаган манзарага кўзингиз тушади. Нафақат шаҳар, балки қишлоқларда ҳам кишилар чиқиндиларни йўл ёқасига тўқадилар. Ёки эрта тонгда келин ё қизлар чиқиндиларни йўл ўртасига супураётганига кўп бор

ши билан бу чиқиндилар "тозаланиб", экинү дарахтларга қувват бахш этарди. Нима, ҳозир ҳовли четидан бир чукурни қазиш шунчалик қийинми? Яна олис болалик давримизни эсласан, Пўлати, Бўлмас ариқларидан тил-тиник зилол сув оқар, ариқ тубидаги балиқлар диққатни ўзига тортарди. Шу сувдан ташиб ичиларди. Кудуқ сувлари ҳам ширин, ҳозиргидек тахир эмасди. Бирор бола сувга тупурса: "Тупурма, биздан нарида худди ўзимиздек шу сувдан ичувчилар бор", - деб тартибга чақирарди. Баъзан шундай оғохлантурувчи ёзувларга кўзимиз тушади: "Мусор тўйма! Жарима 50000 сўм" ёки "10000 сўм". Барибир чиқинди тўкилаверари. Оғохлантурувчи тасвири қани? Виждон уйғонмаса, у назоратчилик вазифасини бажармаса, бир-биримизни инсофга чақирмасак... Чиқин-

“Сувнинг уволи тутати” - 25-сон
ЭСАЛТАМА: Ўлкамизнинг айрим канал ва сув ҳавзаларида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ифлосликларни кўриб, бонг уриш фурсати етганини аңғайсиз. Дарё, суваримизни ифлослантириш, таҳқирлаш жиноят эмасми?
 Муаллиф: Саломат Маматқулова.

дилар остида қолиб кетишдан яратганинг ўзи асрасин. Набираларимизга, боғча тарбиячилари тарбияланувчиларга, ўқитувчи ўқувчиларга, маҳалла фаоллари фуқароларга увол-савобни тушунтириб бормаса... Яхшиликлардан ибрат олишга даъват-амру маъруф, ёмонликлардан қайтариш ҳар биримизнинг зиммаларимиздаги фарзу амал-ку.
 Санитария-эпидемиология станциялари ёки марказлари, табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари вакиллари ва фаоллари, маҳалла қўмиталари ўз фаолиятларини жонлантирсалар ён-атрофимиз чинни чироқ бўлишига ишонгим келади.
 “Мулоҳаза. Мушоҳада. Мунозара” рўқни остида берилган “Сувнинг уволи тутати...” мақоласини “Жамият ва мен” танловига лойиқ деб ҳисоблайман. Жамиятимизни, табиатимизни, экологиямизни мусафифлаштириш учун ҳар биримиз масъулмиз. Мақолани ҳар бир маҳалла, шаҳар, вилоят миқёсида муҳожама этиб, тегишли тадбирлар белгиланишини тақлиф этаман.
М. ХОЛМУРАДОВ,
 Қарши шаҳри

Атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг муҳим муаммоларидан бири экологик маданият масаласидир.
 Фарғона шаҳрида аҳолининг асосий қисми кўп қаватли уйларда яшайди. Ёзининг иссиқ, жазирама кунлари бу уйларда яшаш анча оғир. Айниқса, ёши улуг нафақахўр, ноғирон, ҳеч ерда ишламайдиган қарияларимиз кўни билан диққинафас бўлиб, кечки салқинда дам олиш учун ташқарига чиқадилар. Лекин у ерда ҳам тоза ҳаводан нафас олиб, ҳордиқ чиқаришнинг иложи йўқ. Чунки ҳар бир уйнинг олдида тўпланиб турган ахлат уюмларини кўриб, одамнинг дили равшан эмас, балки қоронғу бўлади.
 Дарҳақиқат, кўп қаватли айрим уйлар олдидаги манзарага диққат билан қарсанг, ҳайрон қолсан, киши. Дарахт шохлари синган, гуллар, экинлар пайҳон қилинган, сув оқиб келадиган ариқлар тупроқ, тошга, турли ахлатларга тўлдирилган. Дам олиш ўтиришга мўлжалланган курсилар таг-туғи билан суғуриб ташланган, ахлат уюмлари олдида ёш болалар қий-чув ўйнашади, катталар эса бепарво гурунглашиб ўтиришади. Беихтиёр шундай савол туғилади: болаларимизни табиатни севишга, уни асраб-авайлашга қачон ўргатамиз?! Бунинг учун аввало ўзимиз ўрнак бўлмоғимиз керакмикин? Мана шу уйлар атрофини кимдир четдан келиб ифлослантисан кетмаган. Маҳалла фаоллари, ёши улуг отахон, опахонлар бош-қош бўлиб ҳашар ўтказиш, атрофни ораста қилиб тозалаб қўйиш ҳам қийин эмас. Нима учун маҳаллаларда келинлар, қизлар эрта саҳар туриб, эшигини то кўчгача сув сегиб, чиннидай қилиб супуриб қўядилар-у, кўп қаватли уйларда ҳовли у ёқда турсин, подъезд занталарини кунора супуриш ҳам кўпчиликнинг ҳаёлига келмайди?... Бунинг учун кимнингдир бўйруғини кутиб ўтириш уят бўлса керак. Қолаверса, фарзандларимизга ахлатни дуч келган жойга, айниқса сувга ташлаш, гуллари, дарахтларни синдириш яхши эмаслигини мактабда ҳам, уйда ҳам ўқитиб боришимиз зарур.
 Ўртбошимиз айтганларидек: “Агарки, ҳар қайси инсон, бу уй меники, бу шаҳар меники, бу юрт меники, у қандай обод бўлса - бу менинг бахтим ва бойлигим, деган фикр билан яшаса биз ўз мақсад ва муддаоларимизга шунчалик тезроқ етамиз”.
 Ахир, обод уйда пок одамлар яшайди, дейдилар-ку.
Зулфия УСМОНОВА,
 Фарғона политехника институти ўқитувчиси.

МАСТЛИК ТАШВИШ КЕЛТИРАДИ

Мақолани уч марта ўқиб чиқиб, Султоннинг ўз хотинига қилган ёмонлигига нафратим ошиб кетди.
 Наргиза билан Султон севишиб турмуш қуришган ва бахтли яшашиб, учта фарзанд кўришган экан. Топиш-тутиши яхши бўлиб, машина ҳам олишибди. Албатта, бой бўлсанг ошна-оғайнилар ҳам кўп бўлади. Султон ўтиришларда машинада рулдалигини сабаб қилиб, ўзи ичмай ёш хотинига бериб, уни ароқхўр, пиёниста хотинга айлантисан. Ота-она, маҳалла-кўй олдида Наргиза шарманда бўлиб, ароқхўрлиги ошқор бўлибди. Хўш, бунда асосий айбдор ким, деган савол туғилади. Ароқ энг кучли, энг ақлли эркакларнинг ҳам бошини эгиб, хор қилади.
 Бизнинг бир яхши қариндошимиз вафот этганда унинг жанозасига бордик. Отасининг жасадини қабрга олиб кетаётганда ўгли ғирт маст, бир рус дўсти билан келди. Унинг ичганини сезганларнинг нафрати уйғотгани, ўшанда. Шу йигит ичмаса ундан яхши инсон йўқ эди. Аммо ичса гапирган гапига ҳам, қилган ишига ҳам ҳисоб беролмайди.
 Аёлларнинг ичиши янада хунук. Аёллар ичса ўз гўзаллигини йўқотади, шарманда бўлади. Чунки, аёл - она, дунёда энг қадрли инсон. Фарзандлари олдида қадрини, хурматини йўқотади.
Ғайнижамот АБДУЛЛА қизи

“Машинаси бўлмаганда эди”, - 48-сон, 2006 йил
ЭСАЛТАМА: Султон билан Наргиза севишиб турмуш қурган бўлсалар-да, тез орада ажрашиб кетишади. Бунга сабаб, Наргизанинг иккиликка ружу қўйгани ва маҳалла олдига оиласини шарманда қилгани бўлди. Унинг бу аҳволга тушишига эри Султон ҳам айбдор эди.
 Муаллиф: Гулбашакар

Ушбу суҳбатда долзарб масала кўтарилган. Оиланинг катта қизи унаштирилган, ҳадемай тўй бўлиши керак экан. Наргиза спиртли ичимлик ичиб, ўзини унутган вақтда бўлажак кудалари тўйда иштирок этаётган экан. Ҳақиқатан ҳам уят-да!
 Султонбой ҳозир ўзини босолмай-тилар. Бургага ачиқ қилиб, кўрпани куйдириб қўйдилар. Ахир Наргизага севиб уйлангандилар. Севгилари рост бўлса, хотинини авайлаши, ичишига йўл қўймаслиги, ичкиликли давралардан ўзларини тортишлари керак эмасми? Ўзининг, оиласининг, хотинининг обрўсини қўриқловчиси - Султонбой дўстининг тўйида Наргизадан эҳтиёт бўлса бўлмасмиди? Унинг ичишини, бунга ўрганиб қолганини биларди-ку. Бунга ор қилиб бирданга ажралиб кетиши гўё режали “иш”га, хотиндан кутулиш йўлига ўхшаб кўринади.
 Ҳозир бизга бир нарса қоронғу - Наргиза шу ҳодисалардан пушаймонми ёки... Агар чин дилдан кечирим сўрасан, уни кечириб лозим. Ичганидан

бошқа айби йўқ-ку. Ичишни ташлаб, ўзини ростлаб олса, ҳаммаси яхши бўлади. Вақт ҳақмасини жойига қўяди.
 Таби сифатида ичкиликни бартараф этиш масаласида менга мурожаатлар бўлиб туради. Кўпинча аёллар эрларнинг кўп ичишидан, ишлаласлигидан нолиб келадилар. Шу ўринда бир мисол келтирай.
 Алматнинг ёши элликлар атрофида. Ҳеч ерда ишламайди. Хотини савдо-тижорат иши билан шуғулланади. Бир буй этган қизи ҳам унга ёрдамлашади. Топганлари эр, отанинг ичкилиги учун сарфланади. Она-ю қиз кечкурун уйга боришга юраги зириллайди. Алмат “пул бер!” деб қисталган қила бошлади. Бермаса калтак ейди. Тинчлигини ўйлаган аёл орттирганини эрга беради. Эракда инсоф йўқ. Пул етмай қолса, насияга олиб келиб ичаверади. Қарз кўпайиб кетгач, дўкдорлар Алматнинг хотинидан келиб талаб қиладилар. Дўкдорга пул керак.
 Алматни ҳеч ким инсофга чақиролмайди. Ёши улуг қариндошлари унинг бор-йўқлигини хаёлларига ҳам келтирмадилар. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ёрдамида даволашга ҳаракат қилиб кўрилади. Узғиринг йўқ.
 Алматнинг алкашлиги оилага қимматга тушмоқда. Отаси “алкаш”, деб катта қизини бир бола билан ҳайдаб ўборишган. Иккинчи қиз учун совчи келмайди. Сабаб - ота ичувчи. Қизнинг гуноҳи нима? Онасининг-чи?
 Ичкиликбозлик - иллат. Ундан фориг бўлиш керак. Бу ҳамма нохушликларнинг қалити. Ҳамма замонларда зиёли донишмандлар бу захри қотилни қоралганлар.


Ичкилик бизга нима беради? Фақат зарар. Соғлигимизни барбод қилади. Умримизни қисқартиради. Оилани пароканда этади. Наслимизга завол етказди. Ёш авлод тарбиясига путур этади.
 Кузатишларимдан шундай ҳулосага келганман. Аёл 20-40 ёш оралиғида фарзанд кўради ва тарбиялайди. Аёл зотига ҳам, эрак зотига ҳам ичиш асло мумкин эмас. Турмуш қурган келин-куёв эзгу ниятлар қиладиган, яратувчидан соғлом, қобил, солиҳ, фозил, қомил фарзанд тилайдиган вақтда ароқ ичиб бўладими? Ичса ланж, ландовур, лаёқатсиз, отаси ё онаси ичган ёшга бориб ичишни бошлайдиган болалар дунёга келади. Чунки отанинг хатти-ҳаракати руҳий дастурга айланади. Хоҳлаймизми, йўқми, бу рўй беради.
 Майли, аввалига ичишган ҳам, дейлик. Энди ўғилни уйлантирадиган, қизни узадиган вақтда ёшлар келажagini ўйлаш даркор. Обрўни сақлаш лозим. Бўлажак кудалар сизнинг қимлигингизга албатта қизиқадилар.
 Биродар! Касб-хунарингизни, билганларингизни болаларингизга ўргатинг. Дастурхон устидан ичкилик ўрнига, тарбиявий, ибратли воқеаларни ҳикоя қилинг. Болалар олдида китоб ўқинг. Улар сиздан ибрат олсин. Битта ароқнинг пулига яхши китоб харид қилинг. “Оила ва жамият”га обуна бўлинг. Фақат фойда топасиз. Яхши инсонга айланасиз. Донишманд бўласиз. Фарзандларингиз сиз билан фахрланишсин.
МҮМИН,
 Қарши шаҳри.

ТАБРИКЛАЙМИЗ



Болажоним ДАВРОН!
Таваллу айёминг билан муборакбод этаман. Сенга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ишларингда омад тилайман.
Онанинг Дилбар опа


Отажонимиз Хусниддин ИСКАНДАРОВ!
Таваллу кунингиз муборак бўлсин. Сизга соғлиқ тилаймиз. Отажонимиз билан роҳатимизни кўриб юринг.
Фарзандларингиз



Дадажоним ҚУРБОНАЛИ ва онажоним ЖАМИЛА ая!
Таваллу айёмларингиз билан чин қалбдан табриклаймиз. Сизларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, ишларингизда каттадан-катта муваффақиятлар тилаймиз.
Барча қизларингиз номидан Шахло Тўйчиева.



Азиз ва қадрдон Манзурахон ВОРИСОВА!
Таваллу кунингиз муборак бўлсин. Сиз бир умр ўқитувчи бўлиб ишлаб, обрў-эътибор, ҳурмат топдингиз. Ҳамон Сирдарё туманидаги 6-мактабада олийжаноб касбингизни давом эттирмоқдасиз. Умрингиз узоқ бўлсин. Соғ-саломатликка меҳнатларингиз роҳатини кўриб юринг.
Қулангиз Муҳайёдон, куёвингиз Жаҳонгир, қизингиз Дилдора, невараларингиз.



Ҳурматли Равшан ЖҮРАБОВЕВ ва Баҳром ИСОҚОВ!
Таваллу кунингиз билан табриклаймиз. Сизларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ишларингизда омад тилаймиз.
Қаҳрамон, Исроил, Мансур.

Азиз онажонимиз Муборакхон КЕНЖАЕВА!
Туғилган кунингиз билан табриклаймиз. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз. Бахтимизга бор бўлинг.
Фарзандларингиз.

Азиз дўстим АНВАРЖОН!
Таваллу айёминг муборак бўлсин. Сенга соғлиқ-саломатлик, узоқ умр, бахт-саодат, келгуси ишларингда муваффақиятлар тилайман. Уйлаган орзуларинг амалга ошсин.
Дўстинг Асқар

ПОЧТАЧИДАН МИННАТДОРМАН!

Мен "Оила ва жамият" газетасининг чин мухлисман. Ушбу газетани 2002 йилдан буён ўқийман. Ўзим ҳам мақолаларим билан қатнашиб келаман. Бир йилда икки маротаба 6 ойдан обуна бўлман. Почталик Муборак Қодирова Ўзбекистон туман Овчи почта алоқасида 12 йилдан буён ишлайди. Муборакхон мақолаларимни ўз вақтида редакцияга жўнади, обуна қилинган газетани ҳеч кечиктирмай олиб келиб беради. Мен "Яйлан овози", "Қайнона", "Қи-

лич ва қалқон", "Оила нури" ва бошқа турдаги газеталарни ҳам ўз вақтида олиб тураман. Шунинг учун мен почтачи синглим Муборак Қодировадан миннатдорман. Яна ярим йиллик учун "Оила ва жамият" газетасига обуна қилиб, газета чекини бериб кетибди. Бу хизматлари учун Муборак Қодировага раҳмат.

Паттихон САМАДОВА,
Фаргона вилояти,
Ўзбекистон тумани.

«Оила ва жамият» ўғитномаси
Ишқ алакасини ўчириб бўлмас,
Ўчирмоқ бўлгани кечириб бўлмас.
Муҳаббат нуқчасини суғуриб олиб,
Бошқа бир юракка кўчириб бўлмас.
Само денгизнинг қиргоғи йўқдир,
Юлдузлар кемасини сабоғи йўқдир.
Сиру асрорига ҳеч ким етолмас,
Мангулик бекатин адоғи йўқдир.

Савобни унутмай ҳиммат қилганлар,
Эзгулик ишига жонин қойтар.
Нафс бозорин қилма қилганлар,
Фақат қорни учун чўнтак бойтар.
Баъзида яхши ҳам заҳматга қолар,
Неғонинг дастидан тўхматга қолар.
Ёмоннинг юзига қора суйқалиб,
Aziz bolajonlar! Siz ham chizgan rasmlaringiz va yozgan ertaklaringizni o'z suvratingiz bilan birga bizga jo'nating. Yoshingiz va nechanchi sinfda o'qishingizni ham yozishni unutmang. Rasmlaringizni oq qog'ozga chizing. Xatlaringizni kutamiz!




So'najon
QURBONBOYEVA.
Xorazm viloyati,
Xazorasp tumani,
Pitnak shahar, 9-
maktabning 3 «B»
sinf o'quvchisi.



Nazira OTAXONOVA.
Xorazm viloyati, Xonqa tumani,
48-maktabning 9-sinf o'quvchisi.


ILK USTOZIM
Men uchun dunyoda munis-mo'tabar,
Birinchi ustozim erur har doim.
Mehribon ustozim bizga ochdilar,
Bilimlar eshigin asta-muloyim.
Qo'lingizdan tutib husnixat yozdik,
Ilk ustoz siz ila biz kitob yozdik.
Ta'rifingiz sig'mas she'ru-bayotga,
Oq yo'l tiladingiz yo'llab hayotga.



Behzod O'RINOV.
Xorazm viloyati,
Pitnak shahri, 17-
maktabning 6-sinf
o'quvchisi.



Sa'dulla MIRQODIROV.
Toshkent shaharidagi
134-maktabning 3-sinf
o'quvchisi.



НИМА? НЕГА? НИМА УЧУН?


СУВ ЛИЛИЯСИ ҲАҚИДА

Сув лилияси лолагуллилар оиласига мансуб ўсимлик бўлиб, суви секин оқадиган кўл ва дарёларда ўсади. Лилияни дунёнинг турли бурчакларида учратиш мумкин. Аммо у кўпроқ жанубий Америка худудида ўсади.

Сув лилиясининг гуллари битта-биттадан ўсиб, жуда катта ва чиroyли бўлади. Унинг танаси ингичка ва узун бўлиб, сув ҳавзасининг тагигача тушиб боради. Илдиэлари эса мустаҳкам. Шу боис сув уни оқизиб кетолмайди. Лилиянинг барглари сув пуфакчаларини эслатувчи ҳаво билан тўлган бўлади. Ана шу ҳаво сабаб унинг барглари сувда чўкмайди ва гулни кислород билан таъминлаб туради.

ЧУЧУК СУВ ҲАВЗАЛАРИДАГИ ЎСИМЛИКЛАР

Аксарият ўсимликларга яхши ўсиши учун кўп миқдорда намлик зарур бўлади. Шу сабабли улар кўл, ариқ, дарё бўйларидан ўсади. Қамиш, айиктовон, қиёқ кабилар шулар жумласидандир. Шунингдек, бевосита сув юзасида ва сув остида ўсадиган ўсимликлар ҳам мавжуд. Одатда, улар кўлларда ва дарёларнинг секин оқадиган ҳавзаларида учрайди. Чунки тезкор оқим уларнинг илдиэини юлқиб олиб оқизиб кетиши мумкин бўларди. Айрим сув ўтларининг танаси ва илдиэлари сув остида бўлса-да, барглари ва гуллари сув юзасида сузиб юради. Бошқа бирлари эса сув остида қуёш нури тушиб турадиган даражада чуқурликда ўсади.



ҚИРОЛИЧА ВИКТОРИЯ

Одатда, сув ўтларининг танаси ва барглари унча катта бўлмайди. Аммо тропик ўрмонлардаги серсув дарё ва кўлларда барглари йирик сув ўтлари ҳам учрайди. Энг йирик сув ўсимлиги Жанубий Америкадаги Амазонка дарёси ҳавзаларида ўсадиган "Қиролича виктория" дир. Унинг барглари барқашдек юмалок, четлари юқориға қайрилган бўлади. Унинг диаметри икки-уч метргача боради ва устига қушлар кўнса, бемалол кўтара олади. Умуман, энг йирик викторияларнинг 75 килограммгача юкни кўтара олиши аниқланган.

Викториянинг гуллари фақат кечаси очилади, уруги эса маҳаллий аҳоли томонидан истеъмол қилинади.

ТОГ ЧЎҚИЛАРИДА ЎСИМЛИК ЎСАДИМИ?

Тоғларда, айниқса, баландлик 3000 метрдан ошгач, яшаш учун шароит худди чўллардагидек огирлашиб боради. Қанчалик баландликка кўтарилсангиз, ҳаво шунча совуқлигини, шамол кучайиб бораётганини, намлик эса камаётганини сезасиз. Бундан ташқари баландликда кислород кам, тупроқнинг унумдорлиги паст бўлади.

Альп, Анд ва Ҳимолай тоғларининг энг баланд чўққилари йил бўйи қор билан қопланиб ётади ва уларда бирорта ҳам ўсимлик учрамайди. Музли чўққилардан сал пастроқда эса тош қоялар мавжуд. Уларда фақатгина мох ва лишайникларгина ўсиши мумкин. Аммо 3000 метрдан пастроқ бўлган баландликларда турли-туман ўсимликларни учратиш мумкин. Турли тоғларда иқлим ҳар хил бўлгани боис, уларда турлича ўсимликлар ўсади.



1000 МЕТР БАЛАНДЛИҚДАГИ ЎСИМЛИКЛАР

Денгиз сатҳидан 1000 метр баландликда асосан нина баргли дарахтлар - қарағай, қора қарағай, қора арча ўсади. Марказий ва жанубий Европадаги иқлим бир қадар юмшоқ бўлган тоғларда бу баландликда қайин ва қора қайин ҳам учрайди. Марказий Америка тоғларида 1000 метр баландликда иқлим илиқ бўлгани боис эман, кедр каби дарахтлар, орхидея, бегония каби ўсимликлар ҳам бемалол ўсади.

Бундан сал баландроққа кўтарилиш билан яшил худуд сийрақлаша бошлайди. Чунки иқлим дарахтлар ва ўсимликларнинг яшashi учун ноқулай бўла боради. Энди асосан дағал баргли, совуққа чидамли ўсимликлар учрайди. Баланд тоғларда ўсадиган энг машҳур гул Эдельвейс бўлиб, уни 2500 метр баландлигида ҳам учратиш мумкин.

ТОГЛАР БАФРИДАГИ ЎСИМЛИКЛАР

Иссиқ ва нам иқлимли тропик худудларда тоғларнинг 900 метрдан қуйи қисми қалин ўсимликлар, буталар ва дарахтлар билан қопланиб, жунгли ҳосил қилган. Бу худудда пальмалар, лианалар, папоротниклар ўсади.

Салқин ва қуруқ иқлимли худудларда эса бу баландликда асосан игна баргли дарахтларни учратиш мумкин. Тоғ ўрмонларида одатда дарахтлар бири-бирига жуда яқин ўсади. Айримларининг илдиэлари чатишиб кетади. Шу боис ўсимликлар ва ўт-ўланларнинг ўсиши учун деярли шароит бўлмайди.

ТРОПИК ЎРМОН НИМА?

Муттасил ёғадиган ёмғир ва юқори намлик боис тропик ўрмонлар дов-дарахтлар ҳамда ўсимликларга жуда бой бўлади. Бу ўрмонлардаги дарахтлар жуда улкан, буталар қалин, майсалар



ҳам баланд бўйли эканлиги билан ажралиб туради.

Тропик ўрмонларга айниқса Жанубий Америка бой ҳисобланади. Амазонка дарёси ва унинг кўплаб ирмоқлари қирғоқлари бўйлаб минглаб километрда тропик ўрмонлар ястаниб ётибди.

Жанубий-Шарқий Осиёнинг тропик ўрмонларида эса дунёдаги баргли дарахтларнинг энг баландлари ўсади. Африка тропик ўрмонлари кўпроқ хайвонот оламига бой ҳисобланади.

ДАРМОН тайёрлади

Малоҳат аяга тўрт фарзандни қолдириб, эри оламдан ўтди. Раҳматли рўзгорга ҳаром ара-лаштирайдиган, ориятли инсон эди. Оиладаги тўнғич фарзанд Раҳматилло ўн тўрт ёшда. Болаларнинг учтаси мактабга қатнайди. Малоҳат ая уйда кенжатоғи Гулноза билан қолади. Гулноза-нинг савол-сўроғи бир олам.

Эрининг вафотидан кейин қаттиқ руҳий тушунликка тушган эканими, Малоҳат аянинг тиззаси орғиб, иккала оёғини ҳам боса олмайдиган бўлиб қолди. Гулноза унинг «кўл-оёғи» бўлиб қолган. Нимани олиб кел деса, даров олдига келтириб қўяди. Лекин бола экан-да, кўчада ўйнагиси келади. Гулноза уйда йўқлигида Малоҳат аянинг ўзи кўйимчи билан судралиб, анча-мунча юмушларни бажариб қўяди.

Хайриятки, Раҳматилло жиндай рўзгорга жон тортиб қолди. Ошниси билан бозорга чиқиб, арава итари-шади. Озгина тоғиб келгани рўзгорга асқотиб турибди. Қанча топган бўлса,

Ана шундай гаплардан кейин Малоҳат аянинг эри арқони узун ташлаб, кунларни ўтказаверди. Қачон фонтан қуриб битказилса, кўшнilar хиндистонлик меҳмонларни тақлиф қилишаркан. Чиннихон бону ҳалиям ниятидан қайтмаган экан. Малоҳат аянинг касали тузалавер-магач, унга яна битта дастак чиқиб қолди. Бугун эрталабда салафан халтачага невараларидан ортиб қолган емишларни солиб, Чиннихон бону кўшнисининг ҳовлисига саллоланиб кириб келди.

- Малоҳатхон, - деди у дарвозадан ичкарига ўтиб. - Табибга бориб келибсиз-лар. Оёғингизга бирор чора-дармон бора-канми?

- Келинг, хола, - ўтирган ўрнидан олдинроққа жилди Малоҳат. - Хурсандчи-лик кунлар бўлса, ўзидан-ўзи шифола-ниб кетаркан.

- Хурсандчилик кунлар бўлсин! - юзига фотиҳа тортиди Чиннихонбону. - Кўшнимдан бир хабар олиб қўй дедим. Мана, сизга «печёний» олиб чикдим.

- Овора бўлибсиз-да, хола. Дадаси

ея қолай.

- Йўқ, болам. Миннат қилинган нарсаси ҳаром бўла-ди. Қўлингга ҳам ушлама. Бор, этакни олиб кел.

Ушанга ўраб бераман, олиб чиқиб, ҳеч кимга кўрсатмай заканга иргитиб юбор. Малоҳатхон кўшниси олиб чиққан пишириқни эски олиб ўраб, Гулнозага тутқазди. Лекин унинг орқасидан бўйла-ниб қараб-кузатиб турди. Бола-да, за-канга етгунча егиси келиб олармикан, йўқмикан, дея хавотирда бўлди. Йўқ, Гулноза этакни қўлтиқлаб, худди ўғирлик қилаётган одамдай пусиб-иккиланиб, зақанининг бўйига етиб борди. Салафан халтани олиб, уни заканга иргитиб юборди-да, орқасига қараб қочди. Кўшнисининг пишириқларини зақанда сузиб юрган фозлар таламан қилишди.

Малоҳатхон Гулнозанинг пешонасини силаб, энтикди. Унинг дилидаги хира-лик жиндай йўқолгандай бўлди. У мана шу болаларнинг улғайишини кутиб кун-ларни ўтказаяпти. Аммо кўшниси ўз ре-

Турмуш сабоқлари

ка топилди. Ана шу сабаб, ўғрини Раҳматилло дея гумонланди. Раҳматилло савол-сўроқ қилиш учун милиция уча-сткисига олиб кетишди. Турган гапки, Малоҳат аядан ҳам ўғирлик сабабини сўраб-суриштиришди. Умуман, ўша кеча Чиннихонбонунинг ҳовлисида икки миллион сўмлик нарсалар ўғир-ланганмиш.

Ўғирлик маҳаллада дув-дув гап бўлиб кетди. Ўша кунлари Раҳматиллонинг боши гаран бўлиб қолди. Элининг озғина элак тутиб бўлмас экан-да. Бирор у деди, биров бу деди. Малоҳат-хоннинг соғлиги баттар ёмонлашди. Тўхмат балоси ёмон бўларкан. Раҳматилло бунақа ишга қўл урадиган бола эмасди. Малоҳатхон Оллохдан мадад сўраб, шундай деди:

- Э, Яратган эгам! Ҳақни жойига қўй. Юзимизни ёруғ қил. Бундай бало-қазо-лардан ўзинг асра!

Карангки, ҳақни ўрнига қўйиш Ярат-

БИРОВГА ҚИЛСАНГ

пулни бузмай-нетмай аясига олиб келиб беради. Кеча эса аясини аравага ўтказиб, кўшни маҳаллалик табибнинг уйига олиб борди. Табибнинг айтиши-ча, аясининг касалини илмий тилда артрит дейиларкан. Бу касалликнинг аниқ бир даво-малҳами йўқ экан. Уни руҳий кўтаринчилик билан енгиб, ўзини-ўзи даволаш имконияти борлигини айтди.

Раҳматилло аясини яна аравага ўтказиб, орқаларига қайтишди. Табибнинг уйига машина ёнлаб боришса ҳам бўларди-ю, аммо пулни тежашди. Улар уйга қайтишган, Раҳматилло аравини итариб, Тўхтаназар қассобнинг уйи томон йўл олди. У дарвозаси олдига бир машина гишт тўктирибди. Шунини боя: "Ичкарига ташиб бергин, хизмат ҳақингни олсан", деганди.

Малоҳат аянинг чап томондаги кўшниси Чиннихонбону дейишади. Ёши олтмишдан ўтиброк қолган бу аёл шунақаям семириб кетганки, ўз вазнини кўтара олмай, зўрга қадам ташлайди. Кўни-кўшнilarниқига ҳам тебраниб-саллоланиб, хансираб-энтикиб, бир амаллаб чиқиб келади. Аммо унинг ҳамма куч-қуввати тилида. Малоҳат ая билан эса хушлаб-хушламай кўшнчи-лик қилади. Каттазанглик уни кибор-латиб, оғзини полвонлатиб юборган. Унинг келинлари ҳам қайнонадан асло қолишмайди. Иккала келин ҳам врач, аммо икки йилдан буён Малоҳат аянинг ёнига кириб, ҳеч бўлмаса касалини тузатиш учун маслаҳат бериб чиқишга ярамайдилар. Ҳатто ухлаётганда ҳам бўйинларидан тилла занжирни ечиш-мас экан.

Бирок каттагина ҳовли иккита келинга торлик қилиб қолган. Ҳовлини кенгай-тириш ҳаракати ҳам йўқ эмас. Чиннихон ая қачон кўчага чиқиб, орқасига ўғирилса, Малоҳатхоннинг ҳовлиси кўзига худди эски ямоққа ўхшаб кўри-наверади. Малоҳат аянинг эри тирик-лигида, Чиннихонбону унга шундай де-ганди:

- Дарвозаларингни қачон янгилайсиз-лар? Бизнинг ҳовлимизни саҳнини бу-зиб қўяпти.

- Янгилаймиз, ая, - жавоб қилганди у. - Имкон бўлсаёқ қараб турмаймиз.

- Имкон қачон бўлади? Ҳовлини бизга сотиб қўя қолинлар. Ўғлим мана шу томонга фонтан курсак, ҳаммаёқни очиб юборар экан, деяпти. Сизларга яшагани уй бўлса бўлди-да.

- Ота эшикни сотиб бўлмайди-да, ая. Бизинян анча ниятларимиз бор. Сизлар фонтансиз ҳам яши яшайсизлар-ку?

- Ўғлимни хиндистонлик ошналари келишмоқчи. Шунгача фонтани бити-риб қўйишни ўйлаяпти. Уйимизнинг пештоқи мана шу томонга қаратиб со-линган-да...



ЁМОНЛИК...

оламдан ўтганида қаттиқ қайғуриб юбо-рибман. Бўгин яллиғланши қаттиқ қай-ғурганда бошланаркан.

- Табиблар оғзига нима гап келса айта-веради. Сизнинг касалингиз, эскичадан. Бу жой сизга ёқмаяпти. Тупроғи оғир келса, мана шунақа, тиззани шол қўлиб қўяркан. Сиз акангизнинг ёнига кўчиб қўриб. Ҳовлингизнинг пулини мен нақд бераман. Баҳонада оёғингизни да-волатиб оласиз.

- Йўқ хола, дадасининг руҳи чирқир-райди. Катта ўғлим ишга яраб қолди. Бизга ҳам Оллохнинг атагани бордир.

- Фонтан қураман, деб ўғлимнинг мар-мар олиб келиб қўйганига мана тўрт йил бўлаяпти. Бу ерни аллақачон обод қилиб қўярдик. Сиз ҳам муросага кели-нг. Уйнинг пулини сўмда десангиз сўмда, долларда десангиз долларда берамиз. Эржагингизнинг руҳи келгун-дай бўлса, фонтанинг бўйида салқин-лаб, қайтади-ку, қўшни. Ўғлим Хинди-стондан ўрганиб келибди, фонтанга тил-ла чироқ қўйдирмоқчи. Қачон дарвоза олдига чиқсам, сизлар томонга қараб, сиқилиб қолаяпман. Яна бир ўйлаб кўринг. «Печёний»дан енг, қўшни, атай-лаб олиб чикдим.

Чиннихонбону чиқиб кетди. Кўчадан ўйнаб қайтган Гулноза салафани кўриб қизиқсинди.

- Бу нима, ая?

- Кўшнимиз олиб чиққан экан. Қўй, унга теғма.

- Жуда егим келаяпти-да, ая. Жиндай

жасидан қайтмай, бугунгига ўхшаб, дилини орғитиб қўяпти. Хиндистонлик меҳмонлар шундан-шунга фонтани кўриш учун келишмайди-ку? Келишган-да ҳам нари борса, бир ҳафта меҳмон бўлишар. Шунини деб бир умрлик кўшн-нинг дилини оғритиш керакмикан?

Пул кўпайса, одамнинг орзу ҳаваси ҳам кўпаяркан. Аммо ҳамма ишни пул билан ҳал қилса бўлади, деган тасаввур одамни даҳшатли йўлларга ҳам ундай бошларкан. Чиннихонбону уйга қайтиб чиққан, унинг катта ўғли сўраб қолди.

- Бирор янгилик борми, ая?

- Янгилик қаёқдан бўларди, яхшилик-ча қўйишмайди, шекилли.

- Мен айтдим-ку, сизга. Уша ишни қилаверайми, энди?

- Ўзинг билсан. - Шундай дея Чиннихон бону ичкарига кириб кетди. Эрталабда Чиннихонбонунинг дарвозаси олдида югур-югур бўлиб қолди. Кечаси ҳовлига ўри тушганмиш. Хиндистондан кечагина олиб келишган оқларни ўғир-лаб кетишди. Милиция ҳам искович ити билан етиб келди. Ит ўғрининг изи-ни тоғиб, закан томонга юрди. Закан бўйида ит изни йўқотиб, Малоҳат аянинг эски бостирмаси томонга юрди. Бу бостирма анча илгари қурилган ва унинг эри ўлгандан сўнг қариб қаровсиз қол-ганди. Бостирманинг томига босилган гўзапа чириб, тўкила бошлаганди. Ит юқорига интилиб, гўзапаанинг орасини оёғи билан титиб очишга тушди. Ўша жойдан йўлатиб газлама солинган сум-

ганнинг ўзига осон экан. Ўша кунлари Малоҳат ая яшаётган қишлоқдан етмиш чақирим нарида қўли юпқароқ бир ки-шининг хонадонига олов туташиб ёниб кетибди. Хонадон бошлиғи бундан жуда хафа бўлибди. Унинг беш ўғли бор экан. Кенжа ўғли бирор жойда иш-ламай тентираб юраркан. Хонадон бош-лиғи ана шу ўғлидан шубҳаланиб, унга шундай савол берибди:

- Уй ўз-ўзидан ёниб кетмайди, болам. Билиб-билмай бирор касофатли иш қилмаганмидинг?

Ўғлининг юзи аввалига оқариб, кей-ин бўзарибди, ўсмир ўғил ҳеч нарса демай, кўчага чиқиб кетибди. Милиция бўлимига бориб, бир ҳафта илгари кимнингдир буортмаси билан ўғирлик қилиб, сумкани эски бостирма устига яшириб қўйганини гапириб берибди. Ана шундай қилиб, қутилмаганда уош-тирилган ўғирлик сирини очилди. Уни Чиннихонбонунинг катта ўғли, кўшн-си Малоҳатхоннинг юзини шувут қил-сам, маҳаллада яшай олмай, кўчиб ке-тади, деган ниятда уоштиргани маъ-лум бўлди.

Юзи ёруғ бўлгач, Малоҳатхон шуна-қаям суюниб, тангрига шукор айтдики, ундаги руҳий бардамлик кундан-кун-га ортиб бора бошлади. Икки ҳафта-дан сўнг у оёғини босиб, икки йил де-ганда, биринчи бор бир-икки қадам босишга муяссар бўлди. Буни қўрган болаларнинг шодлигини айтмайсиз-ми? Тангрининг кароматини карангки, арқони узун ташлаб, вақт келганда, ҳамма ишни жой-жойига қўяркан.

Юқоридаги воқеадан кейин мана ора-дан тўрт ярим йил вақт ўтди. Чиннихонбону ҳозир батамом уйда ўтириб қолган. Унинг катта ўғли маҳаллада гоҳ кўриниб, гоҳ кўринмай юриб, бир йил-ча илгари вос-вос касалига чалиниб қолди. Ухлаётган жойида чўчиб уйго-ниб, қалтироғи тутиб қолади. Ўзи бил-маган ҳолда дарвозага тамба тираб, уйнинг деразаларини, эшикларини қўлига кирган нарсалар билан тўсиб ташлайди. Ўзи нимадандир ҳадикси-раб, кроватнинг тағига кириб, ётиб ола-ди.


Каранг, халқимиз: "Бировга қилсанг ёмонлик, кўрмайсан сира омонлик", дея жуда тўғри айтган экан. Пул, олам ўткинчи экан. Аҳиллик эса оилани омонликка чорларкан. Раҳматилло яқиндагина лицейни тугатиб, олий ўқув юртига киришга ҳозирланаяпти. Малоҳатхон эса оёғини бемалол бо-сиб қолди. Кўшнисининг фонтан қуриш учун олиб келиб қўйган мрамари ҳали-ям тахланиб турибди.

Хулоса шуки, бойлик ҳеч кимни ҳов-лиқтирмасин!..

Комилжон НИШОНОВ,
Андижон шаҳри.

Бозор. Уни четлаб ўтадиган бирор киши йўқ. Оила кам-қўстини бутлаш, рўзгор ғорини тўлдириш учун бозорга боради ҳамма. Кимдир хар кунни, кимдир кун ора, биров ҳафтада ё ойда бир. Баъзан ҳеч нарса харид қилмасангиз ҳам бозор айланасиз: хилма-хил маҳсулотларни кўриб кўзингиз қувнайди, нима урф бўлаётганидан бохабар бўласиз. Ҳамкасб меҳмонимиз билан бозорга кираётгандик, қаттиқ бакирик ва

нинг истеъмолчиларни ҳуқуқини химоя қилиш борасидаги ҳуқуқат қарорларини билмасликларидан хафа бўлдик. Ҳуқуқини билмаган одамни алдаш ҳам, ранжитиш ҳам осон. Иллатнинг илдизи яна ўзимизга, лоқайдлигимизга бориб такалади. Ҳадиси Шарифда айтилишича, савдогарлар Оллоҳнинг омонатбардоридирлар. Савдогар саховатли ва хушмуомала бўлса, савдода барака, элда фаровонлик бўлади. Хитой-



Тарозидан уриб, яна олган молингизни силтаб қўлингизга тут-қазадиганлар, харидингиз учун раҳмат дейиш ўрнига қош-қовоқ билан кузатиб қўядиганлар анчайин кўп бўлса-да, сизни кулиб қарши олиб, табассум билан кузата-

Бу воқеа яқинда қишлоғимизда содир бўлди. Аслида, бу воқеани ёзмами ёки ёзмами деб, кўп ўйладим. Яна кимларгадир фойдаси тегиб қолар, асосати қолар бўлсада амалга оширишлари мумкинлигига амин бўлдим.

Уйимизда бир неча кундан буён ўзимизнинг қишлоқлик бир уста амаки ишлаётганди. Тонгда келиб ишларини битириб, кеч тушгач, уйга кетади. Уста амакини ортидан сўраб келувчилари кўп.

Бир кунни тонгда ховли супураётсам, бир йигит уста амакини сўраб келиб қолди.

Ҳали келмаганлиги, зарур бўлса, уйдан топиши мумкинлигини айтдим. Йигит эса устанинг бу ерда неча кунлик иши қолганлигини, қачон бўшашини сўради.

Бир оз вақт ўтгач, уста амаки келиб қолди. Йигит уста амаки билан сўрашиб, нималарнидир тушунтириб, анча гаплашиб, машинасига миниб жунаб кетди.

КУЛГУСИ ЙЎҚ ОДАМ ДЎКОН ОЧМАСИН

ҳақоратлардан гангиб, тўхтаб қолдик. Бир аёл ва йигит жанжаллашибарди. Даҳшатлиси, аёл ҳам эркакча сўқинарди. Бир пасда тумонат одам йиғилди. Меҳмондан узр сўраб, уларга яқинлашаётгандим, бир аёл тўхтатди: опа аралашманг, улар опа-укалар.

-Йўғ-е,- дедим беихтиёр. Яқинроқ бориб қарасам, дарҳақиқат, шундай. -Нима гап, шу даражагача боришларингга сабаб нима?

Саволимга опаси хуни бийрон бўлиб жавоб берди: "Менга келган харидорни авраб, оғдириб олади нуқул..."

- Уни ёнимга олиб хато қилдим, аввал бошқа хил нарсалар келтирарди, энди, мен нима олсам, у ҳам шундан келтиради, гапга аралашди укаси.

Карвон кўп-у ризки бошқа, деган гап бор. "Арзимас бир ҳаракат шунчалар ҳақоратга сабаб бўлиши мумкинми, жигарларсиз-а", - муросат қилдим уларга. Иккови жим қолишди...

Сал юриб мева бозорида эр-хотин жанжалига дуч келдик. Бошқа растада боласига спорт кийими олган аёл бироз каттасига алмаштириб беришни илтимос қилар, сақич чайнаб ўтирган сотувчи эса парвойи фалак, ногирсандик билан рад қиларди. Бошқа бир растада қўйлақлар харид қилаётган аёл: "Кўрғазмага қўйганингизни чанг босган, бошқа ўрамдан ўлчанг", - деб сўраганида, "Аввал бунни сотиб бўлсам, кейин", - дерди бамайлихотир сотувчи. Харидорга қўпол муомалада бўлиб, унга қош-қовоқ билан қараётганлар, сўровларига истар-истамас жавоб берадиганлар, бадқовоқ чехраларга қараб бозорга кирганига пушаймон бўлиб кетаётганлар афсуски, кўп. Бозор оралаб юриб, ўзини тижоратчман, деб юрганларнинг аксарияти савдогарлик одобини билмасликларидан ранжидик, харидорлар-



ликлар: "Кулгуси йўқ одам дўкон очмаслиги керак", деган қадимий мақолага амал қилишганидан дунё бозорларини эгаллаб олишган бўлса керак. Ривоятда айтилишича, бир одам асал сотар, аммо кунни беҳуда ўтар, растасига пашша ҳам яқин йўламасди. Унинг рўбарўсида бир киши сирка сотар, харидорлари кўп, қўли ишдан бўшамасди. Буни кўрган асал сотувчи бир кексадан: мен асал сотаман харидор келмайди. Кўшим сирка сотса-да, олувчининг кети узилмайди. Бунинг боиси не? -деб сўради.

Донишманд қария шундай изоҳ берди: "Сенинг қўлинг асал, аммо юзинг сирка сотади. Кўшинингнинг қўли сирка, юзи эса асал сотади". Бир ўйлаб кўрайлик-чи, бозорларимизда бундай ҳолатлар йўқми?! Турли хил маҳсулоту асалларини асалга лойиқ назокат ва ширин суханлик билан сотаяптиларми? Ёки растала-рида асал турса ҳам, ўзлари аччиқ муомала қиляптиларми?!

диган, савдогарлик одобига риоя қилиб, харидор хурматини жойига қўядиганлар, энг инжиқ харидор билан ҳам оғринмай муомала қиладиганлар ҳам оз бўлса-да, минг шукрки, бор.

Хушмуомалалик, кулгуга нима етсин. Ахир, у на маблаг, на вақт талаб қилади. Дейл Карнеги айтганидек, "у ҳеч қанча турмайди, лекин кўп нарса келтиради. Уни кўрган одамни бойиғади, кулганни камбағал қилмайди, у чарчаганлар учун хордиқ, тушқунликка тушганлар учун ёғдудир". Пайғамбаримиз (с.а.в): "Яхшиликни чехралари очик, хушрўй одамлардан кутишлар", деб марҳумат қилганлар. Азиллар, табассум ҳам ибодатдир. Бозорларга кулиб кириб, қувнаб чиқинг, лутфу мулозаматлардан яйраб юринг.

Бахшанда БОЛТАЕВА,
«Аторуд» газетаси муҳаррири.
Бухоро вилояти,
Ғиждувон шаҳри.

ҒАФЛАТДА ҚОЛМАЙЛИК

Уста амаки уйга кириб иш бошлашдан олдин, менга бу йигит ўзини нега сўраб келганлиги сабабини айтиб қолди. Йигитга тезлик билан 2-3 кунда уй таъмирлайдиган уста керак экан.

Маълум бўлишича, йигитнинг қанақадир қариндоши яқинда қиз узатмоқчи экан. Шу сабабдан узок бир вилоятдан уйларини таъмирлатиш учун уста гаплашибди. Устага уч хонани таъмирлаш учун бўшатиб, барча керакли нарсаларни муҳайё қилиб беришибди. Уста ишга киришибди ва 2 кундан сўнг маза-си бўлмаётганини рўқач қилиб, уй эгасидан юз минг сўм пул сўрабди. Уй эгаси уста айтган пулни берибди. 2-3 кун ўтгач уста, қўшни усталар ишлаётган қишлоққа кетаётганлигини, улар орқали оиласига пул бериб юбормоқчилигини айтиб, яна шунча пул сўрабди. Уй эгаси уйим тезроқ бита қолсин деб, яна юз минг, жами уч юз минг сўм пулни устага берибди. Уста пулни олиб ишини давом эттирибди.

Эртаси кунни тонгда уй эгаси туриб қараса, уста ўрнида йўқ экан. Бирор жойга чиққандир-да, деб роса 2-3 соат кутса ҳам дарағи бўлавермабди. Уста эса аллақачон нақ уч юз минг сўм пулни белига тугиб, жуфтакни ростлаб бўлган экан. Ҳаммадан ҳам уй эгаларига қўйин бўлди. Уйлари бу аҳволда. Бир томондан қудалар тўйни тезлатамиз, қўшиқчиларни гаплашиб қўйганимиз, деб қўймайпти экан. Шунинг учун устамизни гаплашгани келган экан.

Ҳа, азизлар, бу воқеани ёзмамига сабаб, ҳозир айни ёз мавсуми, барчамиз уй таъмирлатамиз, уста оламиз. Таниб- танимай ҳаммани ҳам уйимизга қўйиб, алданиб, яна гафлатда қолиб юрмайлик. Огоҳ бўлайлик...

Шахло ТҮЙЧИЕВА
Оҳангарон тумани, Қорахитой қишлоғи.

Тошпўлат ака чинакам омадди инсон. Ҳаёти орзу қилганидек ўтди. Бошқача айтганда, унинг учун ойнинг ўн бешти ёруғ бўлса, ўн бешти ойдин бўлди.

Ёшлигида маишатчи эди. Кейинроқ олий партия мактабида ўқиб келиб, бинийидек мансабдор бўлди. Ёши бир жойига бориб қолгач эса нафақага чиқди-да, бир юмалаб, намозхон-мулло бўлди-қолди.

- Майли-да, худо кўнглига солган бўлса, ҳечдан кўра кеч бўлгани ҳам яхши, - дейишди уни яқиндан танийдиганлар.

Хуллас, қизларини чиқарди, ўғилларини уйли-жойли қилди, энди армонин қолмади, деб юрган кўнларнинг бирини да ҳаёлига бир фикр келди: - Ўзимга сағана қурдириб қўяман, - деди аёлига.

- Қўйинг, ундай қилманг, ўғилларингизнинг кўнглига бирор гап келмасин. Ахир, хар қачон кўзингиз юмилса, кўчада қолмасиз...

- Эй хотин, сочинг узуну

ўйловинг калта-да, - деди у. - Замонга ишониб бўладими? Унинг отини бозор иқтисоди деб қўйибди. Борди-ю, аксига олиб, ўша пайтда уларнинг қўли қисқалик қилиб қолса-чи?

Орадан кўп ўтмай, Тошпўлат ака ўзига рисоладагидек қилиб сағана қурдирди. Устига оқ мрамар бўлақларидан қоплат-

билан обдон ўради, аммо боғлашга қабристонда бирор ил топилмади. Вақтинчалик турсин, кейинроқ келиб, бир чайир ил билан боғларман, деб кўнглидан ўтказди.

Ўша тунда ногаҳон қаттиқ шамол турди. "Целофан учириб кетди-да", деб ўйлади Тошпўлат ака.

ҚАБРИСТОНДАГИ ТОМОША

ди. Таниш устага учрашиб, қора мрамардан бир чиройли лавҳа ҳам тайёрлатди. Тошдаги оппоқ соколи кўксига тушган суратни узокроқдан кўрган одам худди тирикдек деб ўйлайди. Сурат остига исм, фамилияси, анъанавий "Унутмаймиз, токи биз ҳаёт..." сингари сўзлар, тузилган йили, кунни, ойи ва вафоти санасига 20 рақамини ёздириди-ю, йилнинг охириги кўксига, ойу кунига бўш жой қолдирди.

Салобатли мрамар тошининг устини қалин целофан қоғоз

Тошпўлат ака нафасини ростлаб олиш учун йўлақдаги скамейкага бир пас ўтирди. Атрофдаги қабрларда ётган дуоталаб биродарлар руҳига дуои фотиҳа қилди. Энди ўрнидан кўзгалмоқчи бўлганида кўзи ўзига қўйилган мрамар тош олдида турган бегона кишига тушди.

Бегона тошдаги суратга узок тикилди, қафларини очиб пешонасига тортиди, сўнг сағана олдига тиз чўкиб, дуои фотиҳа қилишга тушди. Бунни кузатиб

боси бечоранинг кўзига кафан бўлиб кўрингандир. Кейин кўзлари аста юмилиб, секин ёнбошига қулади.

"Оббо, бу ёғи чатоқ бўлдику..." ўйлади Тошпўлат ака. Тузуқроқ қараса, бегона таниш чикди. У кўп йиллар илгарги Бухорога кўчиб кетиб, Ғиждувонга ойда-йилда бир келиб турувчи болаликдаги жўраси экан. "Бечора мени ўлганга чиқариб турган экан, ўзимни кўриб, арвоҳи келди, деб қўрқиб кетди-да..."

Тошпўлат ака илдам юриб қабристон қорувулхонасига борди-да, бир коса сув келтириб жўрасининг юзига селди. Жўраси ўзига келиб, кўзини очди ва боши устига энгашиб турган оппоқ либосли оқсоқолни кўриб яна ҳушидан кетди...

Тошпўлат ака атрофга олазарак аланглади. "Хайрият, ҳеч ким йўқ, биров кўрса, роса томоша бўлардик-да", деб ўйлади.

Комил ЖўРАЕВ,
Бухоро вилояти, Ғиждувон тумани.

АЁЛНИНГ «ОЛТИН КУЗ» ФАСЛИ

Аёллар ўз умрлари давомида (ҳайз кўриш, ҳомиладорлик, климакс (менопауза) каби қатор гормон ўзгаришларини бошдан кечиришади. Уларнинг ҳаётида эса климакс даври кўпроқ хавфлидир. Чунки, ҳайз кўриш тўхташи билан климакс жараёни бошлангач, аёлларнинг қарий бошлагани кўзга яққол ташлана бошлайди. Климакс - бу тананинг биологик ўзгариши, гормон безларининг камая бошлаши билан боғлиқ.

Ҳар бир аёлдаги жинсий гормонлар ишлаб чиқариш қачондир тугайди. Бу эса ҳайз кўришнинг тўхташига олиб келади. Ҳайз кўришнинг тўхташи эса климактерик жараёнинг бошланишидан далолат беради.

КЛИМАКС бошланишидан олдин тухумдонлар фаолияти ҳам аста-секин тугай бошлайди. Одатда бу 45 ёшдан кейин рўй беради. Аввалига унинг бошланиши унча сезилмайди. Сўнг, асабийлашиш, тушкун кайфият, ўз-ўзидан тутатиш, уйку бузилиши каби ҳолатлар юз беради, қон босими ошиб, оёқ ва қўлларга тер қуйила бошлайди.

Бу давр хусусиятларидан бири шуки, ҳайз кўриш вақти бузилади ёки ўзгара бошлайди, баъзан бачадондан қон кетиш ҳолатлари кузатилади. Булар тухумдонлар табиий равишда ўз вазифасини тўхтата бошлаганидан дарак беради. Агар аёллар бир йилгача ҳайз кўрмаган бўлса, демек улар аллақачон климакс даврига қадам қўйган бўладилар. Климакс ўртача 51 ёшдан бошланади. Бироқ бу жараён наслга, қандай овқатланса қараб турли ёшда бошланиши ҳам мумкин.

Ҳайз кўриш тўхтагандан кейинги давр тахминан 40-45 ёшдан сўнг бошланиб, тухумдонлар фаолияти бутунлай тўхтади.

Ўзгаришлар...

1 Ҳайз кўриши тўхтаган аёлларнинг фарзанд кўриш қобилияти ҳам йўқолади. Бу вақт ҳомиладорликни олдин оладиган воситалар ишлатиш шарт бўлмагани учун кўп аёлларга бу ҳолат маъқул бўлади. Баъзи аёллар турли сабабларга кўра фарзанд кўришни орқага суришгани учун ҳайз кўриш тўхтагач минг ҳаракат қилишмасин фарзанд кўра олмайдилар.

2 Тери, айниқса юз терисининг тез қарий бошлаши кўп аёлларни ташвишга солади. Бурун ва қовоқлардаги тери кенгайиб, кўз атрофида «ғоз панжалар» пайдо бўла бошлайди. Бу эса энди умрнинг кексайиш палласи келганлигидан дарак беради. Бироқ юзга тушган ажинлардан ташвишланмаслик керак. Аксинча, бу баъзи аёлларнинг юзига ўзига хос кўриниш, салобат бахш этади. Чиндан ҳам инсоннинг феъли-атвори 40 ёшдан кейин юзига акс этади, дея бекорга айтишмаган.

3 Ҳар қандай сочларга ҳам йиллар ўтиши билан оқ тушади. Бу ҳолат соч индизидидаги пигментларнинг йўқолишига боғлиқ. Климакс даврида эса сочлар янада мўрт ва сийрак бўлиб қолади. Бироқ сочларни қаровсиз, ўз ҳолига ташлаб қўйиш керак эмас. Аксинча, ўзига хос, чиройли қилиб турмаклаб қўйиш, қалта қилиб кесгириш мумкин.

4 Бу даврда деярли ҳамма аёлларнинг тишлари ва милклариди муаммо пайдо бўлади. Вақтида тиш шифокорига учрашиш ва оғиз бўшлигини тозалаб туриш эса тишларни соғлом сақлайди.

5 Остеопороз — суякларнинг мўртлашиши аёлларда 35-40 ёшдан сўнг бошланади. Аёлларда климакс даври бошланишидан олдин ҳар йили суяклари 3% га кичрая боради. Ҳайз тўхтагач эса суякларнинг кичрайиш жараёни янада тезлашади. Бу танада эстроген моддаси ишлаб чиқариш камайгани, бунинг оқибатида эса өйиладиган озиқ-овқатлардаги кальций моддасининг сўрилиши бузилганлигидан келиб чиқади. Шу боис климакс даврида танадаги суякларнинг кўп синиши юз беради. Шунинг учун ҳозирги пайтда бунинг олдини олиш ва даволаш амалга оширилмоқда. Климакс даврида кальций халдориларидан ҳам ичиш тавсия этилади.

Суяк билан боғлиқ яна бир муаммо - артрит хасталиги ҳам кўпинча аёлларнинг климакс даври бошлангандан сўнг учрайди. Бу касалликнинг олдини олиш учун энгил жисмоний машқлар билан шуғулланиш, уқалаш муолажасини олиш, сузиш, пийёда сайр қилиш ёки вақти-вақти билан зиналардан кўтарилиш тавсия этилади.

6 Агар климакс даврини бошдан кечираётган аёллар вақтида гормон билан даволанишмаса цистит, уретрит каби касалликлар ривожланади.

7 Дикқат! Кимё муолажаси олиш, наслий ўзгаришлар натижасида ва тухумдонлар олиб ташланган бўлса, ҳайз кўриш барвақт (40 ёшларда) тугайди. Ёш аёлда ҳайз кўриш барвақт тўхтаса, бу ундаги жиддий, рухий касалликлар асоратларидан дарак беради. Бу ҳолатда нафақат гормонли даволаш, балки, руҳшуноснинг ҳам ёрдами керак бўлади. Ёш аёлларда тухумдонлар олиб ташланган бўлса дарҳол даволашни бошлаш зарур бўлади. Акс ҳолда, климакс синдроми, вагинит, (қиннинг қуриб қолиши), суякларнинг мўртлашиши (остеопороз), юрак-томир фаолияти бузилади.

8 Марказий асаб тизимининг бузилиши вақтинча хотиранинг сусайиши, уйқунинг бузилиши, фарқ терлаш ва жазавага тушиш каби ҳолатларга сабаб бўлади. Замонавий гомеопатик воситалар климакс давридаги нохушликларни осонгина баратарф этади.

9 Кўпинча климакс даврида юрак-томир тизими фаолияти бузилади. Қон босими кўтарилади. Тахикардия безовта қилиб, бу баъзан юрак хуружига (инфаркт) ва инсультга олиб келади. Танага қон қуйилиши эса қон айланган муҳим аъзоларни қон билан етарлича таъминлай олмайди. Юрак-



томир хасталигини меъёрига келтириш учун климакс давридаги ҳар бир аёл албатта гинеколог-эндокринолог, даволоччи кардиолог ва гемостазиолог (қон қуюлиши бўйича мутахассис) кўригидан ўтиши лозим. Деярли барча аёллар климакс давридаги тер куйилишидан шикоят қиладилар. Шу боис гинеколог, руҳшунос тавсия этган муолажалар билан даволаниш ҳар бир аёлга албатта ёрдам беради.

Агар истасалар аёллар ўз-ўзига мустақил равишда ёрдам бера оладилар.

→ Сунъий матолардан тикилган кийимларни эмас, балки, табиий пахта матосидан тайёрланган кийимлардан кийишлари лозим;

→ Қаҳва, аччиқ таомлар ва ичкиликдан воз кечинг;

→ Иссиқ ванналар қабул қилмаслик-

КЕКСАЙИШНИНГ ОЛДИНИ ОЛИНГ!

Шуни ёдда тутинг! Ҳайз кўришнинг тўхташи ва климакс даври бошланган бўлишига қарамасдан бошланаётган кексалликнинг олдини олиш мумкин. Бунинг учун:

→ Доимо кўтаринки руҳда бўлинг! Оила аъзоларингиз, дўстларингиз, қўшиларингиз ва ҳамкасбларингиз билан илиқ муносабатда бўлиб, улар билан учрашишдан кўнглингиз қувончга тўлсин!

→ Имон қадар кўпроқ жилмайиб, қулиб юринг;

→ Сочларингизни турмаклаб, энгил пардоз қилиб олишни қанда қилманг;

→ Табиий матолардан бўлган кийимлардан кийишга ҳаракат қилинг;

→ Уйингизда кийиладиган қўйлак ҳам энгил, чиройли тикилган бўлсин, ёки бежирим пижамада юринг. Оила аъзоларингиз, айниқса, эрингиз ёнида эски, гуллари ўнгиб кетган халатда, өйилиб кетган шиппак ва сочларингизга ўралган бигуди билан юра кўрманг.

→ Кўнига 6-8 стакан суюқлик ичинг.

→ Кўпроқ мусиқа тинглаб, чиройли нарсаларни, айниқса, гуллارни кўпроқ томоша қилинг;

→ Семириб кетманг;

→ Мева, сабзавотлар, донли ва сут-қатик махсулотларидан кўпроқ истеъмол қилиб, ҳайвон ёғи, туз ва шакардан камроқ енг;

→ Кальций миқдорини кўпайтирадиган махсулотлардан тез-тез еб туринг;

→ Тос, бўғинлар ва умуртқа погонасини ҳаракатлантирадиган жисмоний машқлардан кўпроқ бажаринг;

→ Чекишдан воз кечинг;

→ Куёш нури остида қорайманг, агар буни жуда истасангиз ҳимоя кремларидан суриб олинг;

→ Мабодо уй бекаси бўлсангиз, тўрт деворга қамалиб ўтирманг. Бўш вақтингизда оила аъзоларингиз билан кафе, ресторанларга боринг. Турмуш ўртоғингиз ёки дугоналарингиз билан сайр қилинг.

ДИЛБАР ва БАСИРА тайёрлашди.

ЁЗИНГИЗ СОЗ ЎТСИН...

ТАБИЙ ВОСИТАЛАР БИЛАН...

Мевалар фарқ пийшган пайтда улардан пардоз воситаси сифатида бемалол фойдаланишимиз мумкин!

→ Агар терингиз куруқроқ ва сал оқартиришга муҳтож бўлса (ёки сепкил тушишига мойил бўлса) кунига 2-3 маҳал юзингиз терисини қоқоқ шарбати билан артинг. Ёки 1 чой қошиқ қоқоқ шарбати-га 1 чой қошиқ лимон шарбати ва 2 чой қошиқ қаймоқ, 1 дона тухум (уй тухуми бўлиши керак) саригини кўшинг. Ҳаммасини яхшилаб аралаштиргач бўйин ва юз терисига қалин қилиб сурилади. 15-20 дақиқадан сўнг илиқ сув билан ювилади.

→ Тери ёғлиқ бўлиб, унда қорамтир нуқтали тешиқлар кўриниб турган бўлса кўпроқ шовулдан фойдаланинг. 8 дона шовул барги ховончада янчила-



ди-да, 1 дона тухум оқидан кўшилади. Сўнг кўз атрофидан ташқари юзга қалин қилиб (яхшиши чўтка билан) сурилади. Бу ниқоб қуригач, устидан яна икки марта сурасиз. 15 дақиқа давомида хотиржам ҳолда ётгач, ниқобни бирорта гиёҳдан тайёрланган чой билан ювиб ташлайсиз. Бу ниқобни ҳафтада 2-4 марта қилишингиз керак.

→ Осилиб кетган юз териси учун смородинадан яхшиси йўқ. Бир неча дона қизил ёки қора смородина донасини олиб эзгач, 1 дона пиширилган картошка билан қўшиб, бўтқа тайёрланади. Бу аралашма юзда 15 дақиқа тургач, сувга ботирилган пахта бўлаги билан артиб олинади.

→ Агар юзингизга хуснбузарлар тошган бўлса, уйқудан олдин қоқиўт (одуванчик) шарбати билан, 20 дақиқадан кейин эса қатик ёки зардоб билан артасиз.

→ Қуруқ терини кунда парваришlash учун атиргул гулбарғларидан лосьон тайёрланг. Бир ҳовуч гулбарғлар устига 1 стакан қайноқ сув қуйилади. Эрталаб ва кечқурун юзга компресс қилинади ёки юз териси артилади.



ТЕРЛАЙВЕРСАНГИЗ...

Ёзинг иссиқ кунларида фарқ терламаган кишининг ўзи йўқ. Бу эса кўпчилики ноқулай ҳолга солади. Агар кўча ҳаддан ташқари иссиқ бўлса тананинг терлаши табиийдир. Лекин сиз салқин, ёмғирли кунда ҳам терлайверсангиз унда албатта ўзингизни текширтирингиз, танангизни тозалашингиз лозим бўлади. Шундай экан кўпроқ сув ва шарбатлар ичинг. Қайнатилмаган совуқ сувдан ичсангиз танангиз шиммайди. Шунингдек, тез-тез душ қабул қилиб, табиий матолардан тайёрланган кийимлардан кийиб юринг.

→ Агар сизга турли дезодорантлар ёрдам бермаса, унда эрталаб ва кечқурун эман (қора дуба) пўстидан солиб тайёрланган ванна қабул қилинг. Бунинг учун 1 литр қайнатилган сувга 2 ҳовуч эман пўстлоғи солиб, 1 соат дамлаб қуйилади-да, сузиб олиб ваннадаги сувга қўшилади. Бу ваннада 10-15 дақиқа ётиш кифоя қилади. Мабодо оёқларингиз терлайдиган бўлса тоғора ёки челақка шундай ванна тайёрлаб оёқларингизни тикчиб ўтиринг.

→ Дезодорант селганда қизариб кетадиган таъсирчан тери учун табиий воситалардан фойдаланинг. Бунинг учун 1 стакан қайнатилган сувга 1 ош қошиқ кийикўт (чабрец) қўшиб, совутилади. Сўнг кўлтиқ ости, бўйин ва оёқлар шу дамлама билан артилади.

→ Терлашни йўқотишда кўп ишлатиладиган ўтлардан бири бу далачай (зверобой) гиёҳидир. Далачайдан 1 ош қошиғи устига 1 стакан қайноқ сув қуйиб, дамламаси билан кўп терлайдиган аъзолар артилади. Эсингизда бўлсин, бу дамламадан фойдалангач, кўёш нурлари остига чиқа кўрманг. Чунки бу гиёҳ таъсирида терининг таъсирчанлиги янада ошиб кетиши мумкин.

→ Бодринг билан ҳам терлашни йўқотса бўлади. Бунинг учун бодринг иккига бўлиниб, шу бўлақлар билан юз ва бўйин терилари артилади.

→ Шунингдек, рўмолчадан камроқ фойдаланишга ҳаракат қилинг. Чунки тимисиз тер артиш терини қизартириб юборади. Бунинг устига, микробларнинг тез кўпайишига сабаб бўлади. Куннинг иссиқ пайтида кўп сурилган косметик воситалар ҳам терини зарарлантиради.

ТЎҚИМАЛАРНИ ЁШАРТИРИНГ!

Кўркам кўриниш учун, аввало, тери тўқималари соғлом бўлиши керак. Агар улардаги модда айланиши бузилган бўлса, терингизни мунтазам парваришлаганингизда ҳам кўркам кўриниш мумкин. Тўқималар тўлақонли озиқланиши билан бирга ҳосил бўлган чикиндилардан ҳам халос бўлиши керак. Ана шундагина уларда ўзини ташқи зарарли таъсирлардан ҳимоялай оладиган янги тўқималар ва кучқувват пайдо бўлади. Ёзда имкон қадар ёғли таомлардан воз кечиб, кўпроқ мева ва сабзавотлардан истеъмол қилсангиз тўқималарни ёшартиришдек имкониятингиз пайдо бўлади.

Бунинг биринчи қоидаси шундайки, газланмаган сув ичинг. Бу

тана учун муҳимдир. Чунки тўқималар сувсиз қуриб қолади. Ширин ичимликлар модда алмашинувини бузиб, тўқималарда хилтлар пайдо қилади.

Энг яхши сув булоқ ва кудуқ суви ҳисобланади. Қайнатилган сув тўқималарни унча намлатирмайди. Шунинг учун қайнатилмаган тоза сувдан ичган маъқул.

Чанқаганда ичилган сув ва салқин ичимликларнинг унча фойдаси йўқ. Чунки совуқ сув то илимагунча ошқозон-ичакка сўрилмайди. 1 стакан совуқ сув ичган то у сингиб кетмагунча ошқозонни оғритиб азоб беради. Ёзинг иккинчи қоидаси шундайки, мевалар, сабзавотлар кўп бўлиб, улар сув, турли дармондори ва микроэлементларга

бой бўлади. Пишиқчилик пайтида мева, сабзавотларнинг шарбатини тайёрлаб ичиш унча қийин эмас. Ўрик шарбати жуда фойдали бўлиши билан бирга чанқоқни ҳам босади. Мева ва сабзавот шарбатларини овқатланишдан ярим соат олдин ёки кейин ичиш лозим. Сут эса овқат ҳисобланиб ҳазм бўлиши вақтини талаб этади ва ташналикни қондирмайди.

Шунингдек, ёзда қора чой, қахва ва пивони кўп ичиш мумкин эмас. Буларнинг ҳаммаси танани сувсизлантириб буйрак ва жигарга оғирлик қилади. Яхшиши, кўпроқ сув ичиб, мевалардан истеъмол қилсангиз ички соғломликдан чехрангиз кўркам ва тетик бўлади.

ЁҒЛАРДАН ҚУТУЛАМИЗ!

Агар ёзда ортиқча вазндан қутулишни истасангиз, аввало, тоза ва табиий асалдан топишингиз керак. Мабодо толган асалингиз тоза бўлмаса истаган натижангизга эриша олмайсиз. Шунингдек, асал эритилмаган бўлиши ҳам лозим.


Асални сут билан тенг миқдорда аралаштиринг. Ҳосил бўлган аралашмани целлофанга суриб, танангизга ўрайсиз-да, 1 соат ўралиб ётасиз. Керакли натижага эришиш учун бу муолажани 15 марта бажарасиз.

Нафақат асал, балки унинг мумида ҳам тозаловчи табиий хурсиятлар бўлгани учун танадаги ортиқча ёғлардан қуту-

лишга ёрдам беради.

Асаларичилардан тоза мумдан олиб, бугда эритиб бўкса, думба ва бел каби семиз аъзоларга сурилади. Мум эритмасини танага суришдан олдин бирорта ўсимлик ёки бодом ёғидан сурилади. Диванга жун одеял, устидан целлофан солиб тайёрлаб қуйилади. Унча қайноқ бўлмаган мум эритмаси сингдирилган эски, юпка сочқ танага ўралади. Тайёрлаб қуйилган жойга ётилади.

20 дақиқа ётилгач, компресс олинади. Яхшилаб ўқаланади. Эртасига ҳам шу муолажани такрорланг. Шундай компресслар танадаги ёғ қатламини қизди-



ради ва ортиқча вазни йўқотади. Теридаги модда алмашини жараёнини яхшилаб, фойдали моддалар билан таъминлайди. Терини таранг ва силлиқ қилади.

ДИЛБАР ва ҲАМИДА тайёрлашди.

Кишилар ёз фаслида кўпинча чивин, сўна, асалари ва ари чақишидан азият чекадилар. Чақишдан пайдо бўлган жароҳат ҳашаротнинг неча марта чаққанига ва чаққан жойига боғлиқ. Ҳашаротнинг инсон оғиз шиллиқ қаватидан чақиши жуда хавфлидир. Бунда шиш пайдо бўлиб, нафас олиш қийинлашади ва бу албатта, ҳаёт учун хавф солиши мумкин.

Албатта, асалари юмюк оғизга кириб кетмайди. Атайлаб оғиз очиб, асаларини ўз оғизга киришига имкон берадиган одам ҳам топилмаса керак. Асалари фақат биргина йўл билан инсон оғизга тушиши мумкин, бу сув,

ҲАШАРОТ ЧАҚҚАНДА...

шарбат, квас ёки бошқа хил суюқликларнинг юза қисмида сузиб юрганани сезмай ичиб юборилганда. Шунинг учун ичиладиган ҳар қандай суюқликларни усти яхши беркиладиган идишларда сақлаш лозим.

Агар асалари чақишидан "бенасиб" бўлмаса, унда тезлик билан чақилган жойда қолдирилган асалари нишини игна билан олиб ташлаб, жароҳат жойини спирт билан яхшилаб артиб, ўша жойга музлатгичдан олинган муз парчаси ёки шиша идишга солинган муздек сув қуйинг.



Ҳашарот чаққанда халқ табobati амаллари жуда қўл келади:

→ 2 қават қилинган докага саримсоқ-пиёз ва асал қоришмасидан солиб, ҳашарот чаққан жойга ёки йиринг ола бошлаган жойга қўйинг ва устидан бинт билан боғлаб қўйинг. Боғламни оғриқлар босилиб, жароҳат тузалгунча, бир кунда икки марта қўйиб туринг.

→ Бир бош пиёзни тозалаб, майдаланг, сўнг уни докага солиб, сиқиб, сувини олинг. Шу сув билан тез-тез жароҳат жойини артиб туринг.

→ Ҳашарот чаққан жойга бир сафар картошкани майдалаб қўйинг, бошқа гал эса, петрушка баргини майдалаб қўйинг.

ХУЛҚАР тайёрлади.



301 **Ёшим 33 да.** Ажрашганман. Фарзандим йўқ. Тошкентда, ўз уйимда яшайман. Уйланган, лекин фарзанди йўқ, уй-жойли, ишлайдиган, меҳрибон ва жиддий, 35 ёшгача бўлган эркек билан оила қуриш ниятидаман.
Манзилим тахририятда.
Сурайё

302 **28 ёшли** келишган жияним бор, турмушга чиқмаган. Бўйи баланд. Ҳамшира бўлиб ишлайди. Ҳазини уйи бўлган, уй-жойли, ишлайдиган, ўқимишли, (ажрашган бўлса ҳам майли), оилани қадрлайдиган йигит бўлса узатар эдик.
Манзилимиз тахририятда.
Шоира

303 **25 ёшли** қизим бор. Талаба. Оиламиз аҳил ва обрўли хонадонлардан. Асли тошкентликмиз. 25-30 ёшлардаги, тошкентлик, уй-жойи бўлган, ишлайдиган, оиласи ва қизимнинг қадрига етадиган олижаноб эркек бўлса куёв қилган бўлардик.
Манзилимиз тахририятда.
Малика

304 **Ёшим 62 да.** Аёлим вафот этган. Бўйим 160 см. Пенсиядаман. Уз уйим бор. Болаларимдан қутулганман. 45дан 58 ёшгача бўлган, тошкентлик, болаларидан қутулган ёки туғмаган аёл бўлса турмуш қурган бўлардим.
Манзилим тахририятда.
Тўлқин

305 **Ёшим 45 да.** Жиддий сабабларга кўра ажрашганман. Кўркем кўринишли эркекман. Ота-онам билан ҳовлида яшайман. Ишлайман. Оилани моддий томондан таъминлай оламан. Қаердан бўлса ҳам ибодли, ҳаёли, яхши ахлоқли, мулоийим, меҳрибон, 40-42 ёшгача бўлган аёлга уйланиб оила қурмоқчиман.
Манзилим тахририятда.
Абдусаттор

306 **Ёшим 56 да.** Асли тошкентликман. Ажрашганман. Уз уйимда яшайман. Фарзандларимдан қутулганман. Пенсия оламан. Бору йўғимга кўнадиган, ҳаётнинг ташвишларини тушунадиган, 50 ёшлардаги аёлга (қаердан бўлишининг аҳамияти йўқ) уйланоқчиман.
Манзилим тахририятда.
Каримберди ака

307 **Ёшим 69 да.** Баланд бўйли, зиёли эркекман. Аёлим қазо қилган. Катта ҳовлида ёлғиз яшайман. Болаларим уй-жойлик бўлиб кетишган. 65 ёшгача бўлган, зиёли. Сабри ва оғир-вазиман аёл билан тақдиримни боғлаш ниятида эдим.
Манзилим тахририятда.
Рустам ака

308 **Синглимнинг ёши 40 да.** Бефарзандлик боис ажрашган. Олий маълумотли, келишган. Нуфузли ташкилотда ишлайди. Онам билан яшайди. 45-52 ёшлардаги, уй-жойли, касбли, бир нафар фарзанди бўлган (қайси вилоятдан бўлса ҳам майли) эркек бўлса узатардик.
Манзилим тахририятда.
Одила

309 **Ёшим 34 да.** Ажрашганман. Бўйим баланд. Ишлайман. Яхши уй-жойим бор. Ота-онам билан яшайман. 27 ёшгача бўлган, (отанаси бўлган ва улар билан бирга яшайдиган бўлиши шарт), ақлли, ораста, уй ишларини жойига қўя оладиган аёл билан танишиб, оила қурмоқчиман.
Манзилим тахририятда.
Мухаммадхўжа

310 **Ёшим 40 да.** Ажрашганман. Фарзандларим онаси билан кетган. Зангиоталикман. Ишлайман. Уйим бор. 25 ёшга бўлган, келишган, ораста, уйим-жойим дейдиган (қаердан бўлишининг фарқи йўқ), аёлга уйланоқчиман.
Манзилим тахририятда.
Мусурмон

311 **Ёшим 29 да.** Тошкент вилотидаман. Турмуш ўртоғим автохалокатда вафот этган. Етти ёшли қизим бор. Хушрўй, сабру тоқатли аёлман. 45 ёшгача бўлган (албатта болам билан қабул қила оладиган), уй-жойли, ишлайдиган, оилани таъминлай оладиган, жиддий эркек билан танишмоқчиман.
Манзилим тахририятда.
Азиза

312 **Ёшим 27 да.** Самарқандликман. Ажрашганман. 5 ёшли ўғилчам бор. Ҳамшира бўлиб ишлайман. Пазандчилик ва тикувчилик ҳам қўлимдан келади. Ораста, нозик дидли, келишган аёлман. Турмушга чиқсам ўғлимни ота-онам олиб қолади. 35 ёшгача бўлган, олий маълумотли, уй-жойли, оилани моддий таъминлайдиган, хушмуомила эркек билан танишмоқчиман.
Манзилим тахририятда.
Дилнура

«ОИЛА» БЎЛИМИГА КЕЛУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!
Бўлимга келиб эълон берувчилар ҳам, манзил олишга келганлар ҳам тахририятга паспортлари нусхасини топширишлари шарт. Паспортининг нусхаси бўлмаган шахсларга келин ва куёвларнинг манзиллари ёки телефон рақамлари берилмайди.

312 **Ёшим 36 да.** Асли наманганликман. Ҳозир тошкентда яшаб, ишлайман. 45 ёшгача бўлган, тошкентда уйи бўлган, ажрашган, жиддий, диёнатли ва оиласини қадрига ета оладиган эркек билан танишмоқчиман.
Манзилим тахририятда.
Гулиногор

Газетамиз саҳифаларидаги маъқур раъз билан белгилаган мақолалар Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди гранти доирасида тайёрланди.

314 - Исми Файзулло, 30 ёшдаман. Бир йил бўлди, ажрашдик, билмадим тўғри қилдиммикан? - дея хомуш гапира бошлади хонамга кирган йигит. -

- Балки ажрашишга шогандирсиз? Аввал ўйлаб кўрмадингизми?
- Уйланганимдан буён ўйланаман. Чарчадим. Ишдан келишга безиллаб, оч-наҳор қолсам ҳам уйга кеч келади дегунча бўлдим. Эркек одамнинг уйда тинчи бўлмаси қийин экан-да. Уйга келсам олдимга дастурхон ёзилиши билан машааша бошланиб қолади, денг. Кимнинг ёнига тушишни, нима дейишни билмайман. Онам шўрлик роса қўйналарди. Баъзан оғзимга солган лўқманни ҳам ютмасдан дастурхондан туриб кетишга мажбур бўлардим.
- Нега?

Э, сўраманг! Онам мени ёлғиз ўзи катта қилган. Отам трактор ҳайдарди. Ёмғирда трактори ағдарилиб кетиб, та-

ЁЛҒИЗ ЭРКАКЛАРГА ҚИЙИНДИР, ҚИЙИН...

гида қолиб вафот этган экан. Отамни кўрмаганман. Онам озода, саришта аёл бўлгани учун ивирсиган уйни ёмон кўрарди. Бир куни биз йўғимизда, хотиним бозорга кетган экан. Биз яшайдиган хонага қизимнинг қўйлагини олиш учун кирибди. Болаларнинг туваги тўкилмаган, оғзи очиқ қолган, ётган ўринларимиз ҳам йўғилмаганмиш. Кўзгуну ёнида хотинимнинг бир ўрам соч илашган тароғини кўрибди. Мен-ку, унинг жағи очилишидан кўрқиб чидаб келаётгандим. Аммо, онам чидай олмабди.

- У жанжал қилибдими?
- Йўқ, хотиним кўчадан келгунча ҳаммаёқни супуриб-сидириб, тозалабди. Кўрпа-ёстиқ жилдларини оппоқ қилиб ювиб қўйибди. Буни кўрган аёлим жанжални бошлабди. Кейин мен ишдан келгунча икки болани олиб кетиб қолибди. Онам билан бориб олиб келдик. Шу-шу онамга бақирадиган одат чиқарди. Онам билан овқат емайди. Чойни уйда ичади. Кирини алоҳида ювади. Онам менга: «Ўғлим, майли, индама, ўзига келиб қолар. Иккита боланг бор. Мен ўзим ишимни қилиб юравераман. Икковинг тинч бўлсанг бўлди», - дея насиҳат қиларди. Шу ҳолда яшаб юрдик. У эса энди мен билан ҳам чиқишмас, тез-тез уйига кетиб қоларди. Онам шўрлик олиб келаверарди. Бир куни яна кетиб қолди. Онам мени олиб келишга юборганди қайнотам ҳам хотиним ҳам: «Аввал онагни уйдан йўқотасан, кейин уйингга бораман», - деган шартни қўйди.

- Сиз кўндингизми?
- Нега кўнай? Мени дея умрини ўтказган онамни кўчага ҳайдаримиди? Онам эса ажрашишимга йўл қўймасди. Хуллас, онам мени ўйлай-ўйлай бир

куни юрак хуружидан вафот этди. Маҳалла-қўй ёрдамда онамнинг маъракаларини ўтказдик. Хотиним томондан ҳеч ким, ҳатто ўзи ҳам келмади. Онамнинг вафот этганини эшитиб, хотиним уйга қайтиб келди. Мен эса онамни ёмон кўрган хотин яшагим келмай қолганди. Бир куни телефонда кимгадир: «Уйга келинлар, бир яйраб ўтираимиз. Эрим ишга кетади, анави алвастидан қутулдим. Дўзах ўтида куйиб ётгандир?», - деганини эшитиб қолдим уни роса калтакладим. Тўғри-да, ҳеч бўлмаса онам шўрликни ўлгандан кейин тинч қўйса бўлади-ку! Кейин у яна кетиб қолди. Мен ҳам ортидан бормай судга ариза бердим. Онамни ҳурмат қилмаган аёл билан яшасам бир умр изтиробда ўтардим. Болаларим катта бўлиб қолишар, уларга ёрдам бериб турарман. Лекин энди ўз ҳаётимни ҳам йўлга қўйсам, дегунча. Бошимдан ўтганларни тушунадиган аёл бормикан? Бўлса манзилимни беришлар...

Файзулло ҳаётини бошдан-оёқ гапириб берди. Агар қўнглини тушунадиган, рўзгорини обод қиладиган аёл бўлса унинг манзили тахририятда.

315 - **Ёшим 72 да.** Исми Рус-там. Пенсиядаман. Умрим давомида доимо катта лавозимларда ишладим. Уйга тонгда кетиб, кеч қайтардим. Болаларим улғайишди. Ўқитдим, уйлантирдим. Кўш-кўш уй-жойлар қилиб бердим. Лавозимим катта, кимга нима десам йўқ дейишмасди. Фарзандларимнинг боласи, набираларимни ҳам ўқитиб, уйлантириб тинчидик. Ҳатто, ака-укаларим, сингилларимнинг ҳаммасига қўлимдан келганча ёрдам бердим. Энди роҳат фароғатда яйраб яшайми деганимизда эса... Аёлим бир кунда мени ташлаб кетди. Қариндош-уруғлар, фарзандларим ҳам аёлимнинг маъракалари ўтгач бирин-кетин уй-уйига тарқалишди.

Мен эса бутунлай ёлғиз қолдим. Ҳозир ўғилларим, қизларим келиб туришади. Лекин тезда яна ўз уйларига отланади. Аёлимдан кейин ўтган икки йил ичида шуни англадимки, эркек киши ёлғиз қолмасин экан! Ўзинг кир ювсанг, овқат пиширсанг, чой дамласанг... Эркек киши аёлидан сўнг қолса хор бўларкан. Худого шукр, уй-жойим тўқис, машинам бор. Хали бардам-бақувватман. Лекин бир ҳамроҳга, дардимни тушунадиган аёл кишининг меҳрига зорман...

Зиёлилиги кўриниб турган бу эркек жуфт излаб тахририятга келган бошқа тенгдошлари қўп марта такрорлаган гапни айтарди. Чиндан ҳам ёлғиз эркекларга жуда қийин. Аёлсиз уйда файз бўлмаслиги рост. Рустам акадек ёлғиз, меҳрибон ва ораста аёл бўлса тахририятга кўнғироқ қилишни сўрардик.
БАСИРА тайёрлади. ТЕЛ: 133-04-50

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Фойдаланилмаган қўлэмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.
«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20:00.
Босишга топширилди - 19:00
E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru
oilavajamiyat@mail.ru

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА
Бош муҳаррир: 134-86-91
Қабулхона: (тел. ва факс) 133-28-20
Бош муҳаррир ўринбосари: 134-25-46
Оила, табриқлар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: 133-04-35, 134-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41
Web-site: oilavajamiyat.uz
Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ХОМИЯ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси
ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07да рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 632. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 11162
Саҳифаловчи — Ш. БАРОКОВ
Рассом — Н. ХОЛМУРОВОВ
Навбатчи — Х. ХОТАМБОВА
Мусахҳих — С. САЙДАЛИМОВ
1 2 3 4 5